

Амир Хаттобнинг хотиралари

"Содиклар" учун Умму Жаъфар таржимаси

1-ҚИСМ. ТОЖИКИСТОН ЖИХОДИ

Биз сизларнинг эътиборингизга таникли амир Хаттоб (Аллоҳ шаҳодатини қабул қиласин) хотираларини ҳавола этмоқчимиз. Хотиралар Самир ас-Сувайлим томонидан ёзib олинган. "Ансор-ал-Муҳақидин" биродарлари томонидан инглиз тилига ўгирилган.

Умид қиламизки Аллоҳ йўлидаги биродар ака-укаларимизга ҳамда опа-сингилларимизга фойдали ва қизиқарли бўлади.

Бизнинг учрашувимиз Чеченистон жиҳод майдонларида жанг олиб борган қўмондонлардан бири Амир Хаттоб билан бўлади. Бу учрашувда биз унинг шахсияти ҳақида кўпроқ билишга ҳаракат қиласиз.

Хаттоб – исломнинг шавкати учун жиҳод майдонларида жанглари билан шуҳрат қозонган муҳоҳид қўмондонлардан. У Афғон жиҳоди иштирокчиси, Тожикистон жиҳодида ҳам муҳим ўрин эгаллаган шахслардан бири. 1994 йил рус қўшинлари Чеченистонга ҳужум қилганда, у биродарларига ёрдамга отланди. У режалаштирган ҳарбий амалиётлар рус қўшнинларининг мағлуб бўлиши ва Чеченистондан олиб чиқиб кетилишининг асосий сабабларидан бири бўлган эди.

Бугун бизга қўмондон Хаттоб биринчи жангдан бошлаб бугунги кунгача бўлган воқеаларни сўзлаб беради, келинглар эшитамиш.

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِيمِ

Ҳозир Чеченистонда ахвол жудаям оғир, қақшатқич жанглар кетмоқда. Бунинг устига жангнинг ижобий ва салбий жиҳатларини ҳужжатлаштириш, тажриба алмашиш ва бу тажрибалардан бошқа жойдаги муҳоҳидлар ҳам манфаатланишлари учун анзор биродарлар билан учрашувга келишганмиз.

Аллоҳим амалларимизни холис Ўзинг учун бўлишини, уларни қабул қилишингни сўрайман. Аллоҳим бизга раҳм қил, гуноҳларимизни кечир.

Чеченистонда бўлиб ўтган воқеа ва амалиётлар ҳақида сўзлашдан аввал муҳоҳид биродарларга бир нарсани айтмоқчиман. Аллоҳ билдирган бу тажриба ва стратегиялар фақат бу ерда эмас, муҳоҳидлар томонидан исталган жойда қўлланиши мумкин.

Афғонистондаги воқеалар, турли ўлкалардаги муҳожирларнинг жамланишига сабаб бўлди. Бу уларнинг илк тажрибаларидан эди, улар афғон биродарларининг биринчи ўқиш босқичида эдилар. Муҳожирларда, асосан арабларда мураккаб амалиётлар учун чукурроқ тажриба йўқ эди. Улар афғонларнинг иштирокисиз бирор амалиёт ўtkаза олишмасди. Аммо Аллоҳ уларни йирик амалиётлар билан мукофатлади. Қачонки рус қўшинлари Афғонистон жанубига ҳужум ўюштиришганда – бу жой муҳоҳидларнинг асосий йўли эди – Жали амалиёти ўтказилди. Бундан ташқари Жалолобод ва Қандаҳордаги амалиётларда ҳам ёмон иштирок этишмади. Бу уларнинг биринчи тажрибаси эди, улар ўша вақтларда афғонларсиз бирор ҳарбий амалиёт ўтказишни хаёлларига ҳам келтира олишмас эди.

Афғонистондан сўнг биз Босния, Тожикистон, Чеченистон воқеаларининг гувоҳи бўлдик.

Мен бир нарсани тушунтиromoқчи эдим. "Нусра" (ёрдам кўрсатиш) нимани билдиради?

Исталган жойда исталган жангга тайёр туришлик жуда ҳам муҳим. Фарқи йуқ, маҳаллий жой ва халқ билан танишмисиз, ёки йўқ, сиз у ерга ҳарбий соҳа билан танишган, қурол ишлата биладиган, тўлиқ тайёргарлик кўрган ҳолатда боришингиз керак. Аммо ҳарбий амалиётлар маҳаллий қўмондонлар билан маслаҳатлашган ҳолатда амалга оширилади.

Агар биз Араб ярим оролига кирган ҳарбийларга қарасак, күрамизки, ҳар бир қисмнинг ўз йўналиши, таъминоти, раҳбарлиги ва тизими бор. Улар бошқарувчи гурух билан мълум ҳарбий мақсадлар учун умумий йиғилиш ўтказишади. Кейин ҳар бир қисм, ўз тизими буйича иш олиб боради. Ҳар бир ҳарбий гурух ўз сирларига эга. Масалан, ҳаво кучлари ёки десант қўшинлари душман ҳудудига кирганда, кўққис ҳужум уюштиради ва ҳоказо. Булар ҳаммаси ҳарбий сирлар бўлиб, ҳеч қайси ҳарбий гурух жанг бошланмагунча ўз амалиёт сирини ошкор қилмайди. Улар мақсад ва вазифаларни аниқлаб олгандан сўнг ишлашни бошлашади.

Фарқи йук, бу Афғонистон жангими, Тожикистон, Босния, Чеченистон ёки бошқа. Жанг – бу жанг. Лекин баъзида шундай бўладики муҳожирлардан тайёргарлик кўрмаган биродарлар ёрдам ўрнига ортиқча ташвиш бўлишади. Улар жанг майдонига ёрдам бериш учун келишади, аммо уларни ёрдамини кутганлардан ёрдам сўрашни бошлашади.

Бу ҳолатлар Босния, Тожикистон, ҳаттоқи Афғонистонда ҳам бўлган.

Тожикистон жиҳоди

Тожикистонга келсак: тожик мужоҳидлари етакчиси Абдуллоҳ Нурий билан суҳбатимни эслайман. Биз ўзимизни жиҳод ва ҳарбий ишларда малакали ва тажрибали дея олмаймиз. Бизга мълум ҳар бир ҳарбий келишмовчиликларнинг ўзига яраша машаққатлари бўлади масалан: муҳожирларни ўқитиш, ахборот ишларини йўлга қўйиш. Шунга ўхшаш муаммолар мужоҳидлар қароргоҳларида кўп учрар эди.

Биз тожик биродарларга айтдик: «Биз фақат ёрдам учун келганмиз. Кимнинг қандайдир муаммолари бўлса, тўғридан-тўғри Абдуллоҳ Нурий билан боғланишсин, ҳеч ким мужоҳидларнинг ишига арапашмасин. Мабодо кимдир арапашса, Абдуллоҳ ҳал қиласи. Алҳамдулилаҳ, бу тажриба бизга кўп фойдалар келтириди.

Бошқа томондан, баъзи гуруҳлар келиб тожикларнинг қароргоҳларида қолишган эди, улар емиш, палатка ва ҳоказоларга шерик бўла бошлашди. Тожик мужоҳидлари нолишар эди: "Бизнинг мингта муаммолиз бор эди, бу биродарлар минг биринчиси бўлишди".

Агар биз қайноқ нуқталарга бориб мужоҳидлардан ёрдам сўрашни бошласак, етакчиларнинг эшигини қоқиб учрашувни талаб қиласак, улардан ёқилғи, жанг ёки амалиёт режасини сўрай бошласак, энди бу ёрдам эмас. Бу фақат қўшимча муаммо туғдиради холос. Бундай ҳолатлар бўлиб турарди, биз бу ҳолатларни бартараф қилишга ҳаракат қиласи эдик, шу билан бирга ишимизга бирортасининг арапашувига йўл қўймас эдик.

Биз ишлашни ва тайёргарликни бошлаб юбордик. Мен биродарларга айтдим, кимки бирор амалиётда иштирок этмоқчи бўлса, кимдандир нимадир сўрамасин, тўлиқ тайёргарлик ҳолатида бўлсин. Ҳа, муҳожирлар ёрдамга келишар эди, улар маҳаллий мужоҳидларнинг раҳбарлари билан ўз ҳаракатларини мувофиқлаштиришлари керак эди. Агар улар алоҳида гуруҳларга йиғилишган бўлса, жанг олиб бориш, ишларни тақсимлаш мужоҳидларнинг қўлида бўлиши керак.

Чамамда, бу жуда ҳам яхши тажриба эди. Мен кўп биродарлар билан суҳбатлашдим, улар тожик раҳбариини қўллашимизни, улардан ёрдам олишимиз лозимлигини уқтиришар эди. Биз эса тожик биродарлар каби эмаслигимизни, ёрдам учун келганимизни, тоғларда ўтириб олиб бизни таъминлашларини сўрашни истамаслигимизни билдиридик. Биз тайёrlанган ҳолатда бўлишимиз зарур эди.

Афғонистондаги ҳодисаларни эслайман. Муҳожирлар ва баъзи афғонлар билан кўп муаммолар бўлар эди. Масалан кимдир мина майдонида шаҳид бўлса, афғонлардан танасини олиб келиб беришларини сўрар эдик. Биз жароҳатланган ва ҳалок бўлганлар билан шуғулланишга ҳам тайёр эмас эдик.

Жанг бу жанг, жанг бу осон иш эмас. Баъзида амалиёт вақтида 30 ёки 40 кишини йўқотар эдик. Қандай қилиб амалиёт вақтида 30 ёки 40 киши курбон бўлиши мумкин?

Шундай амалиётни түғри режалаштирилган дейиш түғрими? Мұхожирлар афғон етакчиларини айблашар ёки қайсиdir гурух уларни оғир қуроллари билан ҳимоя қилмаганини, қайсиdir гурух уларга ўқ узғанлигини, кимдир уларни ёрдамсиз ташлаб кетғанлигини даъво қилишар эди. Эслайман, ҳар бир амалиётдан кейин албатта шунга үхшаш муаммо чиқар ва бутун айбни ағдариш учун бирор кимса изланар эди. Түғриси, ўша вақтларда жанговар ҳаракатларни бошлаш пайтида тартиб ҳам, вазиятни үрганиш ҳам йўқ эди. Аммо баъзи жабҳаларда алҳамдулиллаҳ аниқ бўйруқ берилган ўринларда вазият нисбатан яхшироқ эди.

Жанговар амалиётларни самарали ўтказишга келсак, тажриба йиғиш ва тайёргарлик учун Афғонистонда имкониятлар етарли бўлди. Бу хатоларни Тожикистон жиҳодида тақорламаслик лозим эди. Биз энг зарур нарсаларни тайёрлашнинг ўзига тўрт ой вақт сарфладик. Биз уй тайёрладик, қурол-яроқ, алоқа воситалари, транспорт сотиб олдик. Чегарадаги дарё Панжни кесиб ўтишликнинг ўзи катта муаммо бўлиб, бунинг ўзи жиҳод саналар эди. Биз чегара ёнидаги туманга бориб, мунтазам Абдус-Сомад (Мулла Қурбон) билан учрашиб тураг эдик. У маҳаллий қўмондонлардан бўлиб, араб тилини биладиган, маълумотли тоҷик биродарлардан эди. Алур ва Шаябда Яхъе исмли қўмондон билан ҳам учрашдик.

Биз маҳаллий минтақани үрганиб чиқдик ва ҳамма нарсани тайёрладик. Тожиклардан биз фақат битта нарса сўрадик. Биз уларга айтдик: «Бизга сизларнинг пулларингиз ва қурол-яроғингиз керак эмас. Сизлардан ҳеч қандай харажат кетмайди. Биз бу жойга фақат ёрдам учун келганмиз. Биз сизлардан битта нарса - мужоҳидларни сўраймиз. Ўзинглар билган, ишонган мужоҳидларни бизга беринглар, биз уларни ўқитайлик ва тайёрлайлик. Бу тайёргарлиқдан сўнг жангга киришишимиз мумкин.

Биз инсонларни рацияда ўтириб олиб, жангга тарғиб қилишимиз эмас, балки аксинча сафнинг олдида бўлишимиз зарур. Агар бирор фойда келтира олсак бу Ислом учун, агар фойда келтира олмасак сиз ҳеч нарса йўқотмайсиз. Тоинки ҳеч ким фалон гуруҳдан мұхожирлар келишди, биз уларга қурол, кийим ва ҳоказолар бердик, улар бизни алдашди, улар ҳеч нарсани билишмайди, улар бизга қимматга тушишди каби мунофиқлар томонидан тарқатиладиган турли гап сўзларни гапириб юришига ҳеч бир туртки сабаб қолмасин.

Биз бу ерга ёрдам учун келганмиз, сўраш учун эмас.

Алҳамдулиллаҳ, биз бир қанча омадли амалиётлар ўтказдик. Бу бизнинг тоҷик мужоҳидлари ёрдамидаги стратегиямиз эди. Аммо Аллоҳга қасамки, амалиётлар қанчалик мувафақиятли бўлмасин, раҳбарларнинг орасидан баъзи одамлар: "Нима учун булар, бизнинг қўмондонлигимиз таркибида эмас", ёки: "Нима учун уларнинг машиналари бор" каби гапларни айтиб кўришди. Ҳаттоқи улар Ризвон исмли қўмондонни сайлашди, у мен кўрган-билган одамларнинг ичида энг расвоси эди. Охир оқибат тоҷикларнинг ўзлари уни қатл қилишди. У ҳарбий амир бўлган пайтларида бизни ишимизга суқила бошлади, аммо биз айтдик, у бизнинг ҳудудларга умуман келмасин, биз фақат Абдуллоҳ Нурий билан алоқа қиласиз.

Менинг фикрим ва мен билан бирга бўлган биродарларнинг фикрича жиҳоднинг тоҷикча тажрибаси жуда мураккаб эди. Биз дуч келган ҳамма муаммоларни ҳал қилишимиз керак эди. Қачонки биз Афғонистонга борганимизда, жиҳод учун ҳамма шароитлар тайёр, йўллар ва жабҳалар унчалик хавфли эмас эди. Биродарлар фақат машғулот ўташ учун боришлиари керак эди. Мұхожир келади ва меҳмонлар учун ажратилган уй билан машғулот майдони орасида қатнашни бошлайди. Шундан сўнг жангга боради, афғон биродарлар уни маълум йўналишга қўйиб, қайси томонга қараб отишини айтишади, фақат шу холос. Йўл қуриш, сув излаш, ҳамма ишларни бир бошдан режалаштириш, транспорт ва алоқани ташкиллаштириш, маҳаллий жойни үрганиш ва шунга үхшаш муаммолар билан шуғулланишмайди. Мен унчалик чуқурлашмайман, акс ҳолда асосий мавзу четда қолади.

Аслида Афғонистонда жиҳодни биз қилмадик, афғон биродарлар биз учун ҳамма нарсани қилишди. Кўп биродарлар Афғонистонга 1985 - 1986 йилларда, яна ҳам кўпроғи 1988 йилда келишган. Аввал келган биродарлар қийинчиликларга дуч келишган. Кейингилар келишганда аскарият муаммолар ҳал қилиб бўлинган эди.

Тожикистонда эса биз ҳаммасини нолдан бошладик, бу жуда ҳам нокулай эди. Бу ҳамма соҳаларда янги ва жуда мураккаб тажриба бўлиб, мен ва ўша жойдаги биродарлар Тожикистонда дуч келганларимизга бошқа жойда тўқнашмасак керак деб ўйлайман. Баъзида бирор туманга бориш учун машинада йўлга чиқар эдик, кейин 3-4 кун пиёда юриб, дарёга етгунча эшақда юришга тўғри келар эди. Дарёлар жуда ҳам хавфли бўлиб, уларни кесиб ўтиш буюк жиҳод саналар эди. Тоғларини айтмайсизми, бунақа баланд тоғларни ҳеч қачон кўрмаганман, энг пасти 2,5 - 3 километр келади. Алҳамдулиллаҳ, мужоҳидлардаги баъзи етишмовчиликларга ва шу туманда яшайдиган афғонлар билан бўлган муаммоларга қарамай 1-2 та амалиёт ўтгазишга муваффақ бўлдик. Бизнинг асосий қийинчилигимиз емиш ва йўлнинг йўқлиги эди, биз уларни ҳар доим ҳам топа олмас эдик.

Бир кун мен текширувга чиқдим ва 9 километрлик масофанинг ўзида салкам 25 та пост аниқладим. Шундай сўқмоқ йўллар бор эдик, хачир билан ҳам юриб бўлмас эди. Эсимда, БМ "Катюша" ракета ускунасини олиб ўтиш учун ҳақ тўлаганимиз. Бизнинг биринчи қароргоҳимиздан чегарагача ҳар бир ракета учун 2000 рупийдан, у ердан дарёгача 6000 рупийдан, дарёни кесиб ўтишда ҳар бир ракета учун 1000 рупийдан ҳақ тўлаганимиз. Кейин бир афғон уларни елкасида ташиди, чунки у 6000 рупийдан келишган хизматнинг бир қисмига кирап эди. Шундай қилиб битта ракетанинг қиймати 5000 рупий, керакли жойга етгазунча яна 12 000 рупий, хуллас фойдаланиш жойига етгунча нархи 2-3 баробарга ошади. Жуда ҳам қийин эди, аммо алҳамдулиллаҳ, биродарлар бундан катта тажриба олишди. Шунга ўхшаш муаммолар ҳар куни чиқиб турар, кечаю-кундуз уларни ҳал қилиш зарур эди.

Бизнинг Тожикистонга боришимиздан мақсад, одамларни жиҳодга тайёрлаш эди. Бизнинг сонимиз кам 100 дан 120 тагача бўлиб, тайёргарлиқдан сўнг мужоҳидлар сони 300 дан 400 тагача етди. Имкониятларимиз жуда ҳам кам, мусулмонларнинг жанг билан ишлари йўқ эди. Балки бу Афғонистондаги ҳолатлар, турли гуруҳлар ўртасидаги давом этаётган жанглар туфайлидир. Бунинг устига Тожикистоннинг йўллари жуда ҳам машақатли бўлиб, яхши биродарларнинг бу ерга етиб келиши осон эмас эди. Мен айтиб ўтдим, бу жангга нисбатан ноҳақ ёндашишди ва бу мусулмонлар рўпара келган жуда ҳам қийин вазиятлардан бири эди. Раҳбарлар орасидаги келишмовчиликлар ва бошқарувнинг суслиги ҳам кўп муаммолар келтириб чиқарди. Мен ҳеч қачон тожикларчалик миллатчи ҳалқни кўрмаганман, Аллоҳ бизни бундан сақласин. Улар бир-бирларининг ортидан: "У Панж вилоятидан, у эса Қулоб вилоятидан, у Душанбелик", - каби гапларни гапиришарди.

Алҳамдулиллаҳ, бу биз учун яхши тажриба бўлди. Ёрдамга келган биродарлар тожикларни қароргоҳларида қолишган бўлиб, транспорт масаласи жуда қийин эди, буни устига қарама - қарши буйруқлар олишарди. Натижада уларни жанговар руҳияти чўқди. Тожикларни ҳеч нарсаси йўқ, яна жанг қилишмоқчи деган гаплар тарқала бошлади. Охир - оқибат жиҳодга ёрдам бериш ўрнига, ёмон фикрларга боришиб, кераксиз нарсаларни гапиришни бошлашди.

Ҳа, сиз биринчи марта тожикларга рўпара келдингиз, аммо сизда Афғонистон тажрибаси борку. Ким сизни бундай кўнгилсизликлардан ўтишга мажбур қилди? Аллоҳ сизга тажриба ва билим берди, сизда жанг қилиш ва қурол билан ишлаш тажрибаси бор, шу тажрибага мувофиқ ишлаш керак холос. Ҳамма ишни тожикларга ағдариш тўғри эмас. Хуллас муаммолар кўп, мунофиқлар ҳамма жойда ишлашарди. Афсуски, биродарларга ёмон фикрлар келиб, кераксиз гаплар гапира бошладилар. Аслида буни учун катта сабаб ҳам йўқ эди.

2-қисм. Чеченистонга сафар

Тожикистонда келаси йилга тайёргарлик кўриб турган пайтларимизда Чеченистон воқеалари бошланди. Мен телевизорда кўрдимки: русларга қарши томонни коммунист генерал Жоҳар Дудаев – биз уни шундай тасаввур қилдик – бошқаарарди. Қизиқ, Русиянинг ичидаги

коммунистларда ўзаро келишмовчиликлар мавжуд бўлса-я!? Аввалига биз Чеченистонда бирор бир исломий жиҳатларни кўрмадик.

Ўнг қўлимдан жароҳат олиб, даволаниб юрган пайтларимда, бир чечен-мужоҳид менинг олдимга келиб Чеченистонга бир-икки ҳафтага боришни таклиф қилиб қолди. Шундай қилиб, аввалига ният фақат бир-икки ҳафтагагина бориш эди.

Чеченистоннинг харитасини кўра бошладик. Майдони 16 000 километр квадрат келадиган кичкина давлат. Сиз ҳатто уни харитада ҳам топа олмайсиз. Мен аҳолиси кўп бўлса мингтacha бўлса керак деб ўйладим.

Шундай қилиб биз йўлга тушдик. Чеченистон ҳудудига кириш учун фақат битта йўл бўлиб, бу вақтга келиб Русия ўзининг чегара постларини қўйишни бошлаган эди, аммо биз амаллаб ўтиб олдик.

Доғистонлик яхши ёш биродарлар билан учрашганим ҳали ҳали эсимда. Мен улардан «нега биродарлар билан бирга, чечен жангида қатнашмаяпсизлар?» деб сўрадим. Улар «Дудаев сабабли» деб жавоб беришди, «чунки чеченлар – сўфиyllар, мушриклар» ва ҳоказо. Мен улар билан бошқа масалаларни ҳал қила бошладим, чунки улар айтган гапларни инкор қилиш учун бирор маълумотга эга эмас эдим. Аммо мен айтдим: «Сизларнинг душманларингиз бир – Русия, сизларнинг тарихингларингиз бир, сизларнинг имомларингиз (Шомил) бир бўлган. Жоҳар Дудаев абадий яшамайди, у ҳам ўлади. Ислом эса қолади. Қачонки Русия Чеченистонни бир ёқлик қилгач, сизларни ҳам Доғистонда қолдирмайди, айниқса ҳозир ёшлар масжидлар куриб, илм ўрганиб, Аллоҳнинг динига қайтаётган бир пайтда. Душман билан курашмасдан, уйингга кириб келишини кутиб ўтиришлик, тўғри эмас, бунинг устига одамлар ахли оиласи билан банд бўлиб, жанг қила олиш ҳолатида бўлишмаса иш унданда чигаллашади. Сизларни ҳеч ким кимнингдир қўл остида жанг қилишга мажбур қилмайди. Сизлар мана шу тўғри ақидани одамларга тушунтириб, жангга кирасизлар. Бизнинг динимиз – фақат сўз эмас, амал ҳамдир. Шундай вазиятларда ақида ва принциплар аниқланади.»

Мен яна айтдимки: «Сизлар ноҳақсизлар, аммо Жоҳар Дудаев хусусида эмас албатта. Балки у чиндан ҳам коммунистдир, мен уни билмайман. Агар чеченлар сўфий бўлса сизлар тўғри ақидани олиб борасизлар. Менимча, Чеченистондаги ҳамма одамлар сизлар таъриф қилганчалик эмас, Аллоҳнинг динини биладиган бирор кимса йўқлигига ишонмайман. Келинглар ҳаммамиз бирга борамиз, вазиятни ўз кўзимиз билан кўриб, жангда иштирок этамиз.»

Улар фақат йўлдагина ҳамроҳ бўлишга рози бўлишди. Биз шунга келишиб олдик.

Биз битта гуруҳ билан кириб бордик. Чеченистонга кириб боришдан ягона мақсадим бир гуруҳда машғулот ўтказиб, жангга тайёрлаш эди холос. Бундан ташқари бирон нарса қилишимни, ўйлаб ҳам кўрмаган эдим.

Баъзи биродарларда бошқа фикрлар бўлиб, улар менга: «Нима учун у ерга кетаяпсан? Сен жангга боғланиб қолгансан, сенга қаерда, ким билан жанг қилишнинг фарқи йўқми? Сенга улар билан жанг қилиш ҳаром, чунки улар сўфий, уларнинг етакчиси коммунист, совет генерали, сен беҳуда қон тўқаяпсан» ва шунга ўхшаш бошқа сўзларни айтишди. Менга бу сўзларни эшлиш жуда ҳам оғир эди.

Мен улар билан баҳслашиб: «Вазиятни ичкаридан кўрайлик, хулоса қилишга шошилиш ярамайди. Агар Аллоҳ бирон нарса қилишимизни қазои-қадар қилган бўлса, биз буни қиламиз. Аллоҳга қасамки, биз бу ерга коммунистлар учун бирор нарса қиламиз деб келганимиз йўқ. Биз уларга таянч бўлиш ниятимиз ҳам йўқ. Биз холис Аллоҳ учун ҳаракат қиласяпмиз, ажримиз ҳам Унинг ҳузурида, шунинг учун сабр қилинглар. Борайлик, ўз кўзимиз билан вазиятни кўрайлик. Аллоҳ ўз яхшилигини берсин.» дер эдим. Улар менга маслаҳатлар беришди, аммо бу маслаҳатлардан қалбим оғрирди. Бу вақтга келиб Чеченистондаги вазият жуда зўриқан, у ерга борган одамларнинг тирик чиқиши амри маҳол бўлиб қолганди.

Аллоҳга ҳамдлар бўлсин, мен бу гурухни учратганимдан жуда мамнун эдим. Балки, Аллоҳ мени шу гуруҳ туфайли ажрлантира, Аллоҳдан амалларимизни қабул қилишини сўрайман. Бу менинг Чеченистондаги тарихимнинг бошланиши эди.

Мен Чеченистонга шу биродарлар билан кириб бордим, улар ёш йигитлар бўлиб, ўз динини яхши билишар, Қуръонни ҳам яхши ўқишарди. Биз бир туманга етиб бориб, шайх Фатҳий билан учрашдик, Аллоҳ унга раҳм қилсан. Аввал у менга, вазият ҳар дақиқада ўзгариб турганини, агар келишини хоҳласонг, қайтиб кетишингга умид қилма деганга ўхшаш маънода мактуб йўллаган эди. Мен жавоб мактубида, «Қасамки, Чеченистон ҳудудига киришимизга ёрдам қилган Зот, чиқишимизга ҳам ёрдам қилади» деб айтдим. Биз ягона Аллоҳга таваккул қилиб йўлга чиқамиз.

Биз Чеченистон ҳудудига кириб бориб, шайх Фатҳий билан бирга бир гуруҳ билан учрашдик. Уларнинг мавқеи жуда баланд эди. Бу аzon айтувчи, намоз ўкувчи, Аллоҳ йўлида бўлиш истагидаги ёшларни кўриб, ажабландим Аллоҳга қасамки, бу биродарларни кўриб, кўзларимдан ёш думалади, наҳотки булар шу юртнинг фарзандлари бўлса? Қонларга тўлган, шавқатсиз жанг кетаётган жойдаги бу ёшлар холис Аллоҳнинг йўлидаги ҳаракатлари туфайли гўёки ғунчаларга ўхшашарди. Мен лол қолгандим.

Мен оддий тайёргарликни бошладим: вазиятни ўрганиб, одамларнинг ички ва ташқи дунёсини кузатдим. Кўрдимки, ўқишини ва жанг қилишни хоҳловчилар кўп, одамларнинг кайфияти кўтаринки руҳда. Ҳаттоқи кўркдим, агар мен кетсам, бу жанг майдонидан қочиш бўлади. Ахир мусулмон учун жанг давом этаётган ердан кетишлиқ ҳаром.

Чеченларни жангга тайёрлаш

Бу вақтга келиб жанговар тўқнашувлар бизнинг туманимизга яқинлаша бошлади. Ёшлар бу жиҳодми ёки жиҳод эмасми, деб баҳс юритишар, сўфий муллалар бу жиҳодмас, шунчаки Жоҳар билан коммунистлар ўртасидаги келишмовчиликлар деб эълон қилишар, бунинг устига мунофиқлар тинимсиз минғирлашиб ўтга ёғ қуишишар, Русия қўғирчоқлари эса, бу Жоҳар ва бизнинг ўртамиздаги муаммо, бунга ҳеч ким аралашмасин деб даъво қилишарди.

Охир оқибат улар Чеченистон маркази Грознийга 12 та танк билан кириб келишди, ҳаммаси мужоҳидлар томонидан йўқ қилинди, аммо бунга ҳеч ким аҳамият бермади. Кейин улар 40 та танк билан кириб келишди. Русларнинг ўз чечен малайларини ўқитишга вақтлари бўлмаганлиги сабабли, танкларни рус ҳарбийлари бошқаришарди ва танкларнинг атрофидагилар чечен муртадлари эди. Қачонки улар яксон қилиниб, асирга олинишгандан сўнг, ҳамма нарса ойдинлашди, танк ичида рус ҳарбийлари борлигини одамлар кўришди. Шунда одамлар бу ғирт ёлғон ва русларнинг ташвиқоти эканлигини тушуниб етишди.

Бу вақтга келиб қаршилик авж ола бошлади, вазият кескинлашди. Эрталаб соат еттида Грозний марказида автомобилларни тўсиқ сифатида қўйиб ёқиб юбориши. Шундагина руслар, муаммони ўзлари ҳал қилишлари зарурлигини тушунишди ва очиқасига, тўда-тўда бўлиб Чеченистонга кириб келишди.

Ёшлар гумонда эдилар. Улар айтишарди: «Кимdir Афғонистондан келибди... Узун сочли... Гулбиддин Ҳикматёрнинг издошларидан экан...», - ва ҳоказо. Мен биродарларга «агар биз кетсан, бу ёш йигитларнинг руҳияти чўқади» дедим. Биз улар билан қолдик. Шаҳарнинг ичидаги тўқнашув бўлганда, шайх Фатҳийга айтгандим: «Мен маҳаллий минтақа билан таниш эмасман, кимнингдир устидан маъсулиятни зиммамга олмайман. Вазиятни ўрганмагунимча, якуний сўзимни айтмоқчи эмасман. Бирор бир гурухни бошқариш ёки уларга етакчи бўлиш ниятим йўқ. Шунчаки менга мухолифатда қолишлиқ ва чекинмаслик ҳақида буюринг, Аллоҳ қанча хоҳласа, шунча жанг қиласман.»

Мени вазиятни яна ҳам чукурроқ ўрганишга киришдим. Видеокамерамни олиб, одамларни тасвирга тушира бошладим, улардан нима сабабдан жанг қилишаётганини сўрадим. Шамил Басаев билан ҳам учрашдим. Баъзилар мени журналист деб ўйлашди. Мен холис одамларни учратдим. Аллоҳга қасамки, бир қари аёл билан сұхбатлашиб, йиғлаб юбордим:

«Бу мاشаққатларга яна қанча сабр құлмоқчисизлар?», у айтди: «Биз руслардан халос бўлишни истаймиз» Мен яна саволга тутдим: «Нима сабабдан жанг қиляпсизлар?», у жавоб берди: «Биз мусулмонларга ўхшаб яшаши хоҳлаймиз, кофирлар билан яшаши истамаймиз». Мен сўрадим: «Мужоҳидларга нима бера оласиз?»- у айтди: «Этнимдаги кийимимдан бошқа берадиган ҳеч нарсам йўқ». Мен йиғладим: «Наҳотки ҳеч вақси йўқ, шу қария аёл устидаги кийимини бериб ёрдам бермоқчи бўлса, нима сабабдан биз шубҳаланиб, кўрқиб ўтирибмиз.»

Шу кундан бошлаб, биродарларни жангта тайёрлашга азм қилдим, бу менинг биринчи қадамим эди.

Биз тоғда машғулот базасини тайёрлаб, ёшларни йиғишни бошладик. Шайх Фатҳий – Аллоҳ унга раҳм қилсан – менга харитани берди, биз яқинроқ худуддан Ведено қишлоғини танладик. Ташландик пионерлар лагерини топиб, ёшларни йиғиб, ўкув машғулотлар жадвалини туздик.

Эсимда, биринчи учрашувда саксондан ортиқ мужоҳид бор эди, ҳозир улар мужоҳидларнинг етакчиларидан бўлиб кетишган. Ўша пайтда уларга айтганларим ҳамон эсимда, шайх Фатҳий таржима қилган эди: «Сизларнинг ичингиздан кимдир амир бўлишни хоҳласа, ўзининг ҳарбий дастурини таклиф қилсан, ҳаммамиз эшитамиз ва унга итоат қиламиз», – ҳамма сукут сақлади. Шу кунларда жанглар тоғли туманларга яқинлаша бошлаган эди. Яна айтдимки: «Менда илм бор деб айтмоқчи эмасман. Менда фақат Афғонистон ва Тожикистон жангларида олинган тажриба бор. Балки, ишлаш вақти келгандир. Менда уч босқичли дастур бор – тайёргарлик, қуролланиш, амалиётлар ўтказиш. Агар жангда биз сафнинг олдида бўлмасак, отиб ташлашингиз мумкин. Ҳарбий тайёргарлиқдан сўнг биз сафнинг олдида бўламиз. Қуролланишдан сўнг биз жанговар режаларни амалга оширамиз. Мен ва муҳожир биродарлар доимо олдинда бўламиз....» Бу сўзлар кўпчилиқда таассурот қолдирди.

Афғонистонда баъзи одамларнинг мазҳабларга ёпишиб олганлигини билардим. Аммо сўфийлар ҳақида, улар нима билан шуғулланишларидан хабарим йўқ эди. Мен уларга айтдим: «Бошингизда нима ўй-хаёллар бор, бу хусусда Аллоҳдан сўраласиз. Мени фақат беш маҳал намоз, Рамазон ойи рўзаси, эрталабки Қуръон дарслари қизиқтиради, булар мен учун энг асосий нарсалар, шунингдек ўқиш ва машғулотлар ҳам шулар жумласидан. Тайёргарлик кўраётганларнинг 60-80 фоизи сўфийлар бўлиб, мен уларнинг ота-онасини назарда тутаяпман, қолгани оддий ёшлар эди.

Шунингдек бизнинг лагерда қисқа вақт ичидаги темир интизом ўрнатилганди.

Эсимда, бир куни тунда биродарларнинг бирига эртароқ уйғотиб қўйишини сўрадим, витр намозини ўқиш учун. Уйғониб қарасам, қўриқчи йўқ. Бизда олтита гуруҳ бўлиб, ҳар бир гурухга ўнтадан одам бириқтирилган, ҳар куни битта гуруҳ лагерни қўриқлаши керак. Бомдод намозидан кейин, дарҳол лагердаги ҳаммани йиғдим. Кун жуда совуқ, ердаги ўт-ўлан музлаган, қаттиқлигидан гўёки мих каби эди. Ҳамма оёқ кийимини ечиб, сафга тизисин деб, буйруқ бердим. Оёқларимиз совуқдан тошга ёпишарди. Биз анҳорга етгунча юрдик, мен «ҳамма сувга тушсин» дедим. Улар сувга тушишди, ҳамма мендан аччиқланарди. Чечен биродарлар ғазабда эди, мен уларга вазиятнинг қалтислиги, риботнинг аҳамиятини тушунтира бошладим.

Бу музлаган сувда туришлик азоб бўлиб, шу қадар совуқлигидан сувда туриб, таҳорат олишнинг иложи йўқ эди. Улар чеккада туришар, баъзилар чўккалаб олишганди. Уларни кўпчилиғи лагердан кетишини исташди. Мен машина чақирдим ва уларга айтдим: «Ким кетишини хоҳласа, машинага ўтирсин, агар ҳамма хоҳласа ҳам!»

Улар бир-бирига шу қадар боғланишган эдики, биттасини ҳайдасанг ҳаммаси кетиши мумкин эди. Аввалига мен 15тасини ҳайдамоқчи бўлдим ва уларга буюмларингларни йиғиштиринглар деб 3 марта айтдим: «Агар сизлар кетмасангизлар, мен кетаман». Турли гурухлардан 15тасини йиғиб ҳайдаб юбордим. Шайх Фатҳий: «Бу шуни билдирадики, сен билан ҳеч ким қолмайди». Мен айтдим: «Олинг шу 15тасини, яхшиликка бўлсин». Бир неча кундан сўнг, яна 15тасини ҳайдадим, мен билан 60та одам қолди, уларнинг ҳаммаси ғазабнок ва мендан норози эдилар.

Аслида ўзим ҳам уларнинг ҳаммаси кетиб қолишидан қўрқандим. Мен уларни бир нарсани тушунишларини хоҳлагандим, яъни қурол билан икки кунда ёки бир ҳафтада танишиш мумкин, аммо қурол ишлатишдан кўра, одамларни ўқитиш ва уларга буйруқ бера олишни билиш муҳимроқ. Агар мен 60-70та одамни ўқитмоқчи бўлсам – у пайтда мен якка эдим – уларни ўнтадан қилиб гурухларга ажратаман ва ҳар бир гуруҳга амир тайинлайман. Шундай қилиб, агар бир киши кетмоқчи бўлса, ҳаммага «хайр». Улар бир-бирига қараб ўйлашарди: «Қоламизми ёки кетамизми, унга барибир шекилли!»

Улардан баъзилари айтишди: «Айборни жазола, қолганларнинг айби нима?» Яна баъзиларида бошқа фикрлар бор эди: «Ким ўзи бу, бизни жазоламоқчи?»

Мен айтдим: «Майли, мен нима учун ҳаммани жазолаганим сабабини айтаман».

«Руслар ёки мунофиқлар – улар шу пайтлар тоққа яқинлашиб қолишианди – тунда сизларга ҳужум қилишса, сизларда қўриқчи йўқ, сизларни қандай қилиб ўлдиради? Улар фақат хато қилган одамни ўлдиришадими, ёки ҳаммага ўқ узишадими?»

Улар жавоб беришди: «Албатта ҳаммага ўқ узишади..»

«Демак бу бир кишининг хатоси эмас, ҳамманинг хатоси. Бу хато жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин. Бу муаммо айниқса жанг вақтларида биздан жиддий ёндашувни талаб қиласди.»

Ҳеч ким бирор сўз айтмади, ҳаммамиз лагерга қайтдик. Биз ўқув машғулотларини бошладик. 25 кундан сўнг биродарлар ташкиллаштириш ва низомнинг чўққисига эришишди. Биз биринчи жанг дастурини бошладик, бу яхши ва оддий тажриба эди. У вақтларда бизда фақат иккита муҳожир биродар бор эди холос...

3-қисм. Биринчи чечен уруши

Шундан сўнг Чеченистон воқеалари бошланди.

Мен Жоҳар Дудаевни учратдим. Шайх Фатҳий билан учрашмоқчи бўлиб уни борган эдим, Жоҳар ҳам унинг олдида экан. Ўшанда мен ҳарбий кийимда эдим. Ведено яқинидаги "ўқув машғулотларимиз" ҳақида эшитибди. Бир куни биз РПГ билан машғулот ўтказаётган эдик. Ҳамма гранатомётдан ўнгга ва чапга ўқ узаётганди, одамлар руслар Веденога жанубдан, Доғистон томондан ҳужум қилишмаяпти деб ўйлашиб тоғдан қоча бошлашибди. Кейин бизнинг тунги машғулотларимиз ҳақида эшитган одамлардан баъзилари кулишиб, айтишибди: «Бу нима исрофгарчиллик, агар бизда бу снарядлар бўлганда, Грознийни қўлдан бой бермаган бўлар эдик». Хуллас, ҳеч ким ўқув машғулотларига жиддий қарамасди.

Жоҳар мени саволга тута бошлади. Унинг шайх Фатҳий билан маҳсус учрашуви бўлиб, ҳамма киргандан сўнг, мен ҳам кириб салом бердим. Жоҳар сўради: «Нима учун сизлар томондан ёрдамга келишмаяпти?» Шайх Фатҳий менга саволни таржима қилди. Мен жавоб бердим: «Тўғриси жанг аниқ эмас, одамлар нима сабабдан жангга кетаётганлигини билишмайди». У айтди: «Биродар, айтайлик биз ёмон раҳбарлармиз, аммо бу одамларнинг ислом умматига ёрдам бериш омонати йўқми? Бу ислом тупроғи, наҳотки унинг сизларда хаққи йўқ бўлса?»

Русия генералининг оғзидан чиқкан бу гаплар, мени жуда ҳайратга солди.

Мен айтдим: «Шайх Фатҳий, келинг кичкина интервю оламиз». У ҳам ҳазиллашиб тирсаги билан биқинимга туртди.

Мени бу одамнинг кучли шахсияти ҳайрон қолдирди. Мен унинг ёнига ўтиридим ва Дудаевга биринчи саволимни бердим:

«Жанг қилишдан мақсадинглар нима? Сизлар ислом учун курашаяпсизларми?»

У жавоб берди: «Ииллар давомида сикувда яшаётган Чеченистон ва Кавказнинг ҳар бир ўғлони, бир кун келиб исломнинг нафақат ўз ватанига, балки бутун Кавказга қайтишини орзу қиласди, мен ҳам шуларнинг биттасиман».

Бундай чуқур жавобдан мен лол қолдим.

Мен айтдим: «Яхши, руслар 1991 йилдан 1994 йилнинг охиригача бўйини кўрсатишмади. Нима учун сиз бу вақтда, ислом давлати деб эълон қилмадингиз ёки бу масалани уч йил мобайнида ҳал қилмадингиз?»

У айтди: «Биз Русиядан ажralиб чиқишимиз билан, эртасига у бизга ҳужум қилишини билар эдик. Шунинг учун биз уларни алдамоқчи бўлдиқ, гёёки биз «демократ»лармиз, рус дўзахидан қутулмоқчимиз. Аммо руслар разил ва маккор, улар биз исломни тиклаш йўлида эканлигимизни билишарди, шунинг учун ҳам босқинчиликни бошлашди.»

Мен айтдим: «Ислом дунёси бу уруш ҳақида ҳеч нарса билмайди. Ҳатто сиз бу давлатни «Чечен Ислом Республикаси», деб ҳам эълон ҳам қилмагансиз, одамлар сизларга ёрдам бериш фарзлигини билишмайди. Ислом дунёси Чеченистондаги воқеалардан хабарсиз.»

У айтди: «Сизлар Чеченистонда нималар бўлаётганини билишни хоҳламайсизлар. Дейлик, бу воқеалар дунёнинг исталган бошқа нуқтасида содир бўляяпти, мусулмонлар бу жойга ўзларининг вакилларини жўнатиб, вазиятни ўрганишлари, нима учун, кимга қарши жанг қилишаётганини аниқлашлари лозим бўлади.»

Тан олиш керак, тўғриси бу сўзлар мени синдириди, мен бошқа давом эттира олмадим.

У давом эттириди: «Бу бурчга киради. Уруш Чеченистонда бошланди, сизлар биласизлар бу мусулмонларнинг ери, бу ерга келиш сизларнинг вазифангиз ҳисобланади. Сен менга бу каби саволлар билан мурожаат қилаётган, биринчи мусулмон мухбирисан. Бу вақтда харобаларнинг остида Би-Би-Си, Си-Эн-Эн мухбирлари, бутун ғарб дунёси мухбирлари олдимизда чўккалаб турибди, биздан интервю олиш, уруш ҳақида кўпроқ нарса билиш учун... Улар сўрашяпти, нима учун жанг қиляпмиз, вазият қандай, биз мусулмонмизми ёки христиан? Шу каби антиқа саволлар. Қара, мухбирларнинг орасида қанча мусулмонлари бор, шу пайтгача, биронтаси кўпроқ нарса билиш, жанг ҳақида савол бериш учун келмади.»

Шундан сўнг бошқа савол бера олмадим ва ўзимни ҳимоялашга ўтдим: «Сизларнинг ерларингиз ҳар томондан тўсилган, бу ерга келиш жуда қийин».

У айтди: «Ҳамма муаммо мусулмон ўлкаларини бошқараётган тузумларда. Агар барча мусулмон ўлкалари бу ердаги мусулмонларнинг аҳволини билиш учун, ўзларининг вакилларини жўната олишмаса ҳам, Ғарб ўзининг одамларини жўнатаяпти, улар мени Чеченистоннинг қай бурчагида бўлсан ҳам топишади. Демак биз эмас, сизлар ёрдамга муҳток экансизлар. Қачонки биз Русияни бир ёқлик қилгач, Аллоҳ хоҳласа сизларга ёрдамга борамиз!»

Мен интервюни якунлай олмай, хайрлашдим: «Жазакаллоҳу хойрон».

Мен Араб Ярим Оролидаги биродарларга вазиятни тушунтириб хат жўнатдим. Мен Жоҳарни кўкларга кўтармадим, йўқ сифатлар билан уни безамадим. Биз раҳбарларни мақтаб, кўкларга кўтаришганини кўп кўрганмиз. Мен фақат бу одам жуда кучли шахс эканлигини, балки Аллоҳ уни сабаб қилиб Кавзаликларга најот берар, деб айтдим. Унинг қалбида нималар бор билмадим, аммо шуниси аниқки, у жуда кучли шахс. Агар президентда озгина заифлик бўлса, жанг давом этмаган бўлар эди, яна Аллоҳ билгувчи.

Савол ва жавоблар битилган мактубни жўнатганимдан сўнг, биз тайёргарликни бошладик ва бир қанча амалиётлар ўтказдик. Кейин Будённовск амалиёти ўтказилди.

Биринчи чечен уруши

Шомил Басаевнинг айтганларини эслайман: «Инshaa Аллоҳ уруш бир неча кунлардан сўнг тугайди ва биз инshaa Аллоҳ ғалаба қиламиз». Мен айтдим: «Уруш қачонки русларни мағлуб қилиб, ҳайдаб чиқарганингларда якунланади». У айтди: «Ғалаба инshaa Аллоҳ». У менга овоз пасайтиргич асбоби бор пистолет бера туриб шундай деди: «Буни ўзингда тут. Биламан сенга осон бўлмайди. Мен Абхазияда бўлганимда, одамлар сулҳ тузишни бошлашди. Бу сулҳлар биз учун оғир эди, айниқса шунча мужоҳидларни йўқотганимиздан сўнг. Сенга балки қийиндир, лекин биз абхазлар каби йўл тутмаймиз инshaa Аллоҳ».

У менга шундай гапларни айтардики, мен уларнинг маъносига тушунмас эдим.

Русия ичida Будённовск амалиёти амалга оширилгандан сўнг руслар бу муаммони сулҳ йўли билан ҳал қилишди. Одамларда жиход руҳи яна ҳам алангалади. Мен режа тузиш, қурол-яроқ ва амуниция (жангчининг кийим бошидан ташқари, барча анжомлари) сотиб олиш зарурлигини айтдим. Бу тўрт ойлик сулҳ муддатида биз тайёргарлик кўришга улгуриб олдик.

Шундан кейин руслар Чеченистон президентлигига сайлов эълон қилишиб, сайлов якунлангандан сўнггина Чеченистондан чиқиб кетишларини билдиришди. Улар сайлов ўтказиши, қатнашувчилар орасида рус ҳарбийлари ҳам бор бўлиб, уларнинг сони ярим миллионча эди, бу вақтда Чеченистон аҳолиси сонининг ўзи бир ярим миллиондан ошмасди. Табиийки, руслар ўзларини малайи Завгаевнинг номзодини қўйишиб, сайловда ғолиб бўлишди. Мужоҳидлар қоғозларни йиртишиб, сулҳни бекор қилишди ва жанговар амалиётларни бошлашди. Вазиятни кузатиб, энди бу масалага нуқта қўйилганини тушундим.

Бизда ҳамма нарса тайёр эди, сулҳ бекор қилинганидан беш кундан сўнг биз биринчи амалиётни ўтказдик.

Биринчи амалиётда Харачой қишлоғи яқинидаги ҳарбий соқчилар гуруҳи карвонини (конвой) ўқса тутдик. Амалиёт муваффақиятли якунланди, русларнинг 5та машинаси яксон қилиниб, 41та аскари ва 5 та офицери ўлдирилди.

Отишма давомли бўлиб, 15 метр масофадан ўқса тутиди, душман томондан йўқотиш кўп бўлди, гўёки бу жанг улар учун гўшт қиймалагич эди. Бизнинг орамизда ўлганлар ва оғир жароҳат олганлар бўлмади. Фақат мен енгил жароҳат олдим ва бир амир юқ машинаси портлашидан ярадор бўлди.

Бу воқеалардан сўнг биз жанчиларни тайёрлашни бошладик. Одамлар бу амалиётлар ортида ким турганлиги билан қизиқа бошлашди, бу Шомилми ёки бошқаси... Уч-тўрт кун давомида одамларнинг оғзидан такбир тушмади, амалиётларни биз қилганимизни ҳам билишди. Ёшлар йиғилиб янги ҳужум уюштириш учун разведка қила бошлашди. Кейинги ҳужум икки ойдан кейин амалга оширилди.

Биз жуда ҳам қийин пайтда ҳарбий карвонга ҳужум қилдик, бу вақтда руслар катта куч билан тоғли ҳудудларга кириб келишганди. Сержен-Юртдаги ҳужумда биз уларнинг белини синдиридик. Ҳарбий соқчилар гуруҳи (конвой) 100 та машинадан иборат бўлиб, улардан 47 таси ўқса тутиди ва кўп ғаниматлар қўлга киритилди. Улар "Чаёнлар" деб номланган осетинлар гуруҳининг орқасидан кетишаётганди. Осетинларнинг бу гуруҳи энг қонхўр гуруҳлардан бўлиб, Чеченистоннинг шимоли-ғарбида жойлашган Самашки қишлоғида қатли ом уюштиришганди. Амалиётимиз омадли бўлиб, тасвирлари видеокассеталарда бор.

Аввалига чекиндик, чунки биз ўттизтacha атрофидаги машиналарни кутгандик ва уларга ҳам асосан ўқдори ва амунициялар ортилган деган маълумотта суюнган эдик. Уларни ғанимат қилмоқчи эдик. Аммо улар 63 та жанговар машина, 8та танк ва бошқа оғир қуроллар билан келишди. Ҳарбий карвоннинг ярмини ўтказиб юбордик, пистирмамиз 2,5 километр масофагача чўзилганди.

Биз ҳарбий карвонни қисмларга бўлиб, ўқса тутдик. Гуруҳимиздаги биродарлардан 4 таси шаҳид бўлишди иншаа Аллоҳ. Бошқа гуруҳдан 5 киши шаҳид бўлди, 21таси жароҳатланди. Кўпчилик оддий хатолар туфайли енгил жароҳат олишди. Улар ҳужумдан сўнг, яраланган аскарларни ўлдиришмоқчи бўлишган, аммо уларнинг кўпчилигига граната бўлиб, осетинлар чеченларнинг қўлига тирик тушишса, уларни ёқиб юборишини билишарди.

Маккор руслар осетинлар ва бошқа Кавказлик миллий гуруҳларга гиёхвандликка, спиртли ичимликлар ичишга, талон-тарож ва аёлларни зўрлашга рухсат беришганди. Аммо буни рус аскарларига таъкиқлашарди. Осетинлар – бу Кавказ халқаридан бири бўлиб, русларнинг мақсади, чеченлар билан Кавказнинг бошқа халқлари орасида низо ва адоват уруғларини сепиш эди. Шунинг учун улар Кавказлик ҳарбийларга хоҳлаганини қилишга рухсат беришганди. Руслар гумон қилишди, агар рус аскарлари бу каби разилликларни қилишмаса, чеченлар билан осетинлар ўртасида уруш бошланади.

Осетин гуруҳлари Чеченистонда жуда кўп хунрезликлар қилишди, улар кўп одамларни ўлдириб, ёқиб юборишли. Ҳанузгача осетинлардан тузилган гуруҳлар, Чеченистонда жанг қилаётган гуруҳларнинг энг шафқатсизлари ҳисобланади.

4-қисм. Чеченистон икки уруш оралиғида

Бу амалиётлардан биз яхшигина тажриба ортиридик ва яна тайёргарликни бошладик. Икки ҳафтадан сўнг мен Шомилдан жабҳалар учун жавобгарликни биздан олишини илтимос қилдим. У айтди: “Балки, сен чарчагандирсан. Жазакумуллоҳу хойрон, боринглар дам олинглар!”.

Бу сўзларни эшитгач, бир неча кишини олиб, туманни разведка қилишга отландим. Қайтганимдан сўнг, Чеченистонга келган Абул-Валид Ғомидий ва бошқа биродарлар, разведканинг қандай ўтганлигини сўрашди. Мен уларга такбир айтинглар дедим. Бу вақтда Чеченистонга етиб келиб, энди бизга қўшилган Ҳаким Маданий ва Яъқуб Ғомидий: “Нималар бўлаяпти?” деб сўрашди. Биродарлар жавоб беришди: “Бизнинг одамларимиз разведкадан қайтишяпти”.

Биз учрашувдан сўнг, иккинчи кун разведка қилинган ҳудудга жўнадик ва ҳужумга тайёрлана бошладик. Субҳаналлоҳ! Бу куни ҳарбий карвон 32та машинадан иборат бўлиб, 4 та танк, 11 та ҳарбий машина, 4 та бензовоз ва бошқа юқ машиналари бор эди. Бошидан охиригача ҳамма машиналар яксон қилинди, фақат охирги машинадаги 12 та аскар дарёга қочиб, қутулиб қолишли.

Икки ҳафтада иккита амалиёт, русларнинг кириб келиши батамом тўхтади, улар тоққа чекинишли. Одамларнинг руҳияти кўтарилиди, русларнинг жанговар руҳи эса чўка бошлади. Шундан сўнг Жоҳар Дудаев очиқ қаршилик билан бўладиган давомий жанг тугаганлигини, энди партизанлик уруши бошланажагини эълон қилди. У аввал Россия билан жанг 50 йил бўлади, 2 йил очиқ жанг, 48 йил партизанлик жанглари бўлишини айтган эди. Хуллас русларнинг жанговар кайфияти чўқди.

Тез орада муҳоҳидлар Грознийга кириб боришли.

Бу Чеченистондаги биродарларга Аллоҳ берган энг яхши амалиётлардан бири эди.

Бошқа амалиётлар ҳам ўтказилди. Биз ҳарбий карвонни 17 кун кутдик Кейин биз бутун дислокацияни қўлга олдик, вертолётлар ва ракета отиш ускуналарини ўқса тутдик. Биз 5 та машинани қўлга киритдик, 27 та аскар, 3 та офицерни асир олдик. Бу амалиёт биродарларни бир-бирига яқинлаштириб, ўзаро ишончни мустаҳкамлади. Бу эса ҳеч кимдан ҳеч нарса сўрамасдан режалаштириш ва ишлаш имконини берди.

Буларнинг барчаси Аллоҳдан, кейин биродарлар қўллаган стратегиядан. Улар ҳеч кимдан ҳеч нарса сўрамасдан, жанговар режаларни тайёрлаш ва амалга оширишга доим тайёр эдилар. Бизнинг ўз транспортимиз, озиқ-овқатимиз, ўқ-доримиз бор эди. Эсимда, биз бирорта ҳам ўқ-дори қутимизни русларга қолдирмасдик. Агар биз бирон нарсамизни олиб кета олмасак, ерга кўмиб кетардик. Бошқа чечен гурухларидан, русларга битта машина қолиб кетса ҳам, кейин шу туфайли кўп муаммолар чиқарди.

Бизнинг иштирокимиздаги биринчи уруш шундай бўлганди. Бу ажойиб тажрибанинг бошланиши эди. Мен мусулмонларга ёрдам беришни истаган ҳар бир ислом лашкарининг шу тартиб ва стратегияларга амал қилишларини хоҳлардим.

Мен яна жиҳод майдонларига етиб борган ҳар бир ислом лашкари, ўз ҳаракатларини раҳбарият билан мувофиқлаштиришини, маҳаллий жойни ўрганишини, кейин транспорт, ўқ-дори ва бошқаларни тайёрлашини, кейин эса ҳамма гурухлар бир вақтда бориб, одамларни тайёргарлик кўрдиришларини истардим.

Биринчи урушдан орттирган тажрибамиз шу эди.

Чеченистон икки уруш оралиғида

Биз даъват учун, кейин даъватчиларни тайёрлаш мақсадида "Кавказ" ислом олийгоҳини очдик. Бу ўқув масканини, Аллоҳнинг динини, Қуръон, Ҳадис, жиҳод фиқҳини ўрганишини, ажойиб шахслар тамомлади. Кейин биз уларни ҳарбий ўқув лагерларига жўнатдик, Аллоҳга қасам ичиб айтаманки, улар руслар билан бўлган жангда, энг зўр намуна кўрсатишиди.

Мужоҳидларнинг орасида даъват қиласидан қиласидан кадрлар тезда тайёрланмайди. Аввалига унча катта бўлмаган олийгоҳ очилади, уни тамомлаган талабалар, ҳарбий машғулот лагерларига жўнатилади. Шунда сиз, ўзингиз ишона оладиган, шариатни биладиган, холис ёшлар гурухига эга бўласиз. Улар сизга бу йўлда ҳамроҳ бўлишади. Чунки сиз уларга доимий равишда "Бу тўғри, бу эса йўқ" деб танбех бериб юра олмайсиз, бу билан иш кетмайди.

Сиз ҳеч бўлмаганда, 50 кишига мўлжалланган, унча катта бўлмаган олийгоҳ очасиз. Бинода ўқув машғулотлари ва амалий машғулотлар учун жой бўлиши керак. Уларни икки ойлик ўқув курсларидан сўнг, ҳарбий машғулотларга жўнатасиз. Икки-уч ой ичида, ким жасур ва холис, ким зарар келтиради, кимнинг сабр-тоқати йўқ, аниқлаб оласиз. Сабрсиз одамларнинг нима кераги бор? Машғулотларда сабр қиласиган одам, кейин қийинроқ вазиятларда сабр қила олмайди. Яхшиси уларни уйига жўнатиш керак. Агар 50 та ёки 100 та одамдан 20 таси сиз билан қолса шунинг ўзи етарли бўлади. Шундан сўнг кейинги вазифага ўтасиз.

Демак бир гуруҳ даъват билан, иккинчиси ҳарбий машғулотлар билан шуғулланади, шунингдек учинчи гуруҳ ҳам керак, ҳудудда аҳборот йиғиш ва раҳбарият билан ўзаро мувофиқлашиш учун. Беҳуда муҳокамаларнинг кераги йўқ. Аллоҳга қасамки, бу дастурни Россия, Сербия, Хитой ёки Африкада, ҳатто Марсда қўллашимиз мумкин. Асосийси улар мусулмонлар бўлса бас. Сиз Аллоҳга таваккул қиласиз, ўқув машғулотлари ва ҳарбий тайёргарликни бошлайсиз.

Ислом уммати бугун бўлакларга бўлинган. Биз Аллоҳнинг динини, шариатни йўқотдик. Энди биз бу ерга келиб олиб, сўровни бошласак: "Уни диний илми борми? Буни ақидаси тўғрими?" Ахир биз уларни 200-300 йил олдин ёрдамсиз ташлаб қўйган бўлсак, бунинг устига коммунистлар тузумида 70 йил яшашган бўлса. Биз яна қанақа ақида ҳақида сўраймиз? Агар биз уларнинг ақидаси нотўғри, улар сўфийлар, деб айтсан унда биз уларга нисбатан ноҳақлик қилган бўламиз. Биз айбормиз, уйимизда яшаб, еб-ичиб, уйимизда ўтириб олиб, бу халқлардан тўғри ақида, Аллоҳнинг дини ва шариати хусусида тўғри тушунчани суриштиришга ҳақимиз йўқ.

Бу нотўғри. Биз айболовга лойиқмиз ва ноҳақмиз. Биз тавҳидда ўсиб улғайдик. Биз Араб Ярим Оролидагилар Аллоҳнинг дини хусусида тасаввурга эгамиш. Мусулмон ва ғарб дунёсига бу даъватни ёйиш, бу муаммолар билан яқинроқдан шуғулланиш учун, улар билан бирга яшаб, қийинчилик ва мешақатларни бирга тортиш бизнинг бурчимиз.

Сиз уларнинг олдига борасиз ва дарҳол Аллоҳнинг динини ўргатишни бошлайсиз. Аллоҳга қасамки, агар бу одамлар ўзларига нисбатан сиздаги ҳис-туйғуларни, холисликни кўришса, қийинчилекларни бирга тортаётганлигингизни кўришса, у ҳолда ёлғонга ўрин қолмайди. Бундай шароитларда ёшлар жуда тез шакпланади. Агар ҳатти-ҳаракатлар раҳбарият билан мувофиқлаштирилса, унда бу ёшлар машғулотларда чиниккан авлод бўлиб етишади. Биз уларни тайёрлаб, бир, икки ёки уч марта енгилроқ амалиётларга жўнатамиз, агар умумий дастур бўлса унда ҳам иштирок етишади. Умумий дастур бўлмаса, улар шунчаки амалиётларда қатнашишади.

Охир-оқибат кўп ёш чеченлар: “Агар амалиёт бўлса бизни эсдан чиқарманлар” дея илтимос қила бошлашди. Ваҳоланки аввалида шахсан ўзим улардан ким амалиётларга тайёр эканлигини сўрар эдим. Биродарлар бу ҳудудда ўзларининг борлигини кўрсатишди. Улар разведка қилишиб, ҳудудни яхшилаб ўрганишди – бу масала икки ойдан, беш ойгача бўлган вақтни эгаллади. Агар сиз ҳудудни яхшилаб ўрганган бўлсангиз, сизнинг ишончли одамларингиз бўлса, у ҳолда сиз ишни ёшларни тўғри ташкиллаштиришдан бошлайсиз, охир-оқибат улар бутун жабҳаларни назорат қиладиган, жиҳоднинг давом этишида муҳим рол ўйнайиган фаоллар бўлиб етишишади.

Масалан, Афғонистонда бизнинг катта муаммолиз бор эди. Одамлар олийгоҳлар очишиб, даъват йўлида кўп ишлар қилишганди, Аллоҳ уларга ўз яхшилигини берсин. У одамларнинг услуби турлича бўлиб, ҳар бирининг ҳаракати ўз имконияти даражасида эди. Аммо тўрт йиллик таълимдан сўнг, талабанинг тақдиди нима бўлади?

Аслида бошланган нарсани охирига етказиш керак эди. Ана шунда ажойиб бир асос ҳосил бўлиб, сиз уни бирор-бир жабҳа ёки гурухга йўллашингиз мумкин бўларди. Унга қурол-яроғ, ўқдорини беринг, "Бисмиллаҳ" деб жўнатинг.

Бу одамлар кейинчалик раҳбарликни зиммасига олган лидерлар бўлиб етишади. Лидерлик жоҳил одамлар ёки нашавандларга қолгандан кўра бу яхшидир.

Аммо бу одамлар мужоҳидлар ва даъватчиларга эга бўлишни исташганди. Шундай қилиб бу талабалар бирлашишнинг ўрнига, дунё бўйлаб тарқалиб кетишди. Энди ўйлаб кўринг, шунча кўп талабалар, мусулмонларга зарур бўлган нарсани ташлаб, қанча меҳнатга, муаммоларга йўлиқиши.

Даъват иши, жиҳод билан жуда қаттиқ боғланган, уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Бу стратегияни биродарлар исталган жиҳодда қўллашлари мумкин. Бу биродарлар орттирган, яхши тажрибалардан бири. Инсон аввало Аллоҳга таваккул қилиши лозим, кейин – ўзига ва атрофидагиларга ишонсинки, шунда улар мувозанатни йўқотишмайди, мағлубиятдан қўрқишмайди.

5-қисм. Янги урушга тайёргарлик

Бу воқеалар (1996 йил, августда жанговар ҳаракатлар тўхтатилган) дан сўнг, Чеченистондаги барча одамлар ҳарбий раҳбарият ва президентдан ҳарбий жиҳатдан тайёр туриш зарурлигини сўрашди. Чунки ҳеч ким рус ҳарбийларининг бутунлай чиқиб кетганлигига ишонмасди. Уларнинг чиқиб кетиши бизнинг таҳминимизча узоғи билан беш ёки олти ой вақтга чўзиларди холос. Шунинг учун биз дарров машғулот ўташ лагерини тайёрлашни бошладик, олийгоҳда ҳам одамларни тайёрлай бошладик. Биз юзлаб ёшлар билан алоқа қилишимизга тўғри келди.

Бизда муаммолар жуда кўп эди. Иқтисодий ҳолат жуда қийинлиги сабабли, одамларнинг сонини чегаралашга тўғри келди. Кейин биродарлар – Аллоҳ уларни яхшилик билан мукофотласин – қаттиқ ишлашни бошлашди. Аллоҳнинг изни билан қолаверса уларнинг ҳатти-ҳаракатлари туфайли ҳолат анча яхшиланди.

Бизнинг имкониятларимиз кенгайиб, битта курсга 400 та одам қабул қила бошладик. Бизга бутун Кавказдан ёшлар кела бошлади: Ингушетия, Дагестон, Кабардино-Балқария, Карабай, ҳаттоқи Ўзбекистондан ҳам келишиб таълим олиб кетишарди. Биз гүёки арининг инига ўхшардик, ким келаяпти, ким кетаяпти билмасдик, аммо ҳамма нарсани тартибга солишга ҳаракат қиласадик. Биз бошқарувни Қуръон бўйича килдик ва даъватчиларни тайёрлаш учун дастур туздик. Асосий таълимдан сўнг қишлоқларда маъruzalар ўтказдик ва даъватчиларнинг билим даражасини ошириш учун кўшимча машғулотлар ўтказдик. Машғулот ўташ лагерларида шундай тизим мавжуд эди, шунингдек маҳсус курслар ташкил қилинганди, иккинчи, учинчи, тўртинчи курслар. Ҳар бир одамнинг ўз роли ва вазифаси бор эди, баракаллоҳу фийҳим.

Биз шу ердаги халқлар билан яқинлашиш ва насл қолдириш мақсадида шу ердаги аёллар билан турмуш қилдик. Шундай қилиб эътиrozлар масаласи ёпилиб ҳеч ким бизга қарши чиқа олмай қолди, чунки биз уларнинг қариндошлари бўлиб қолгандик.

Улар ўзаро баъзи нарсаларни муҳокама қила бошлашди, биз эса аралашмадик. Бу жуда ҳам муҳим. Биродарлар, ички келишмовчиликларга ҳеч қачон аралашманлар. Аллоҳга қасамки, келган биродарларга бозорга бориш тугул, шунчаки шаҳар ёки қишлоқни айлангани ҳам рухсат бермасдим.

Биз уларга айтардик: “Ёрдамга келганинг учун жазакаллоҳу хойрон, агар қайтишни хоҳласанг, орқангга қайтишинг мумкин, айни дамда бу ерда жиҳод тўхтади. Сен бу ерда ёки ҳарбий машғулотларда, ёки даъват ишида иштирок этишинг мумкин”. Энг асосийси одамлар қўл қовуштириб ўтирмасдан ишлаши керак. Инсон бирор фойдали иш билан машғул бўлмаса, бошқа нарса билан машғул бўлади. Шундай қилиб кўп биродарлар қайтиб кетишли.

Баъзи одамлар айтишли: “Аллоҳга қасамки, биз қолишни истаймиз, ва қўлимииздан келганча ёрдам берамиз”. Баракаллоҳу фийҳим, улар шундай қилишди ҳам. Биз ҳеч кимни танламадик, бирини-биридан афзал кўрмадик, бизда қаттиқ интизом ўрнатилганди. Бир гуруҳ бозор-ўчар қилиш учун борарди. Лагердаги биродарлар зарур нарсаларни қофозга ёзиб беришарди, бу нарсага жавоб берадиган гуруҳ эса бир-икки кундан сўнг харид қилиб келтиришарди. Хуллас лагердан чиқишига зарурат ҳам йўқ эди. Мунофиқлар, сўфийлардан бўлган баъзи Аллоҳнинг душманлари, Русия ахборот маркази ва ҳукумат телевидениеси тўлиқ дастур бўйича ишлашарди. Шунинг учун биз ўзимизга қарши бирор айблов учун баҳона топиб бермаслигимиз керак эди, чунки улар учун баҳона топилган заҳоти бизга қарши фитна ўюстириш осон эди.

Агар биродарлар бозорларда юришганда эди, Аллоҳ сақласин, бу фитналарга берилиб кўп муаммоларни туғдиришган бўларди. Аллоҳга қасамки мен ўзим Грознийга фақат бир марта борганман. Кўп марта дала қўмондонлари таклиф қилишарди, охири қаттиқ туриб олишгач бир марта бордим, унда ҳам мукофот ва ташаккурнома топширишаётган пайтда.

Эсимда, гуруҳлар орасида ички келишмовчилик чиқан эди, уни айтишга эҳтиёж йўқ, агар керак бўлганда алоҳида кассетага ёзиб олардим. Аммо вазият қалтис бўлганлиги сабабли, улар мени кўп марта чақиришли, ҳатто Шомил мендан гаплашиб кўришни илтимос қилди. Мен аралашишни истамадим ва айтдим: “Алҳамдулиллаҳ, мен аниқ биламан, мен аралашишни истамайман, бунга зарурат йўқ. Мен муроҷидман, одамлар бунинг учун мендан миннатдор, бугун эса мен уларнинг олдида чиқиш қилмоқчи эмасман. Аллоҳга қасамки, мен ҳеч нарсага аралашмоқчи ҳам, одамлар олдига чиқмоқчи ҳам эмасман, жазакаллоҳу хойрон!”. У бу жавобдан ҳайрон бўлиб қолди ва айтди: “Ҳа, бу тўғри нуқтаи-назар”.

Бу воқеалардан сўнг, мен эшитдим ва кўрдим, баъзи одамлар айтишли: “Биз сен учун ҳамма нарсага тайёрмиз ёки сен билан бирга жанг қиламиз”.

Мен айтдим: “Аллоҳга қасамки, менга ва менинг атрофимдагиларга сизлардан ҳеч нарса керак эмас. Сизлардан менга ҳеч нарса керак эмас. Агар бизга бирон нарса бўлса, мен ўлимга розиман ва менинг атрофимдагилар ҳам. Ўша пайтда мен билан бирга 40 та одам бор эди.

Одамлар сўрашди: “Нимага бундай деяпсан?”

Мен айтдим: “Агар сизлар бирон нарсани холис Аллоҳ учун қилмоқчи бўлсангизлар, унда жазакумулоҳу хойрон. Бу лагерда кавказликлар, сизларнинг ўғилларингиз тайёргарлик кўришади, менинг қариндошларим эмас, ёки араб давлатларининг одамлари эмас, сизларга айни дамда эҳтиёж йўқ”.

Тўғриси, бизда муаммолар кўп эди. Шомил менинг олдимга келиб, айтди: “Бугун бизда шундай муаммо бўлди. Мен одамлар билан гаплашиб кўрдим, вазият (сен айтганингдек) яна ҳам оғирлашди. Масҳадов (Чеченистоннинг иккинчи президенти) келиб айтди: “Агар сен вазиятни кескинлаштирасанг, мен биринчи бўлиб сен билан жанг қиласман, сенга қарши жангда биринчи сафда бўласман”. Одамлар ҳайратда эди, яна у айтди: “Биз ҳамма нарсани сен учун қилдик”. Мен аввал одамларга нима деган бўлсам шуни такрорладим: “Агар сен Хаттоб ва унинг атрофидагилар учун Масҳадов билан келишмовчиликларга борган бўлсанг, унда жазакаллоҳу хойрон, бошқа бундай қилма, биз буни сўрамаганмиз, бизга бу керак эмас”. У айтди: “Нимага бундай деяпсан?” Мен унга айтдим: “Ҳа, агар сен холис Аллоҳ учун қилган бўлсанг, бу ер Исломга ва сенинг одамларингта ёрдам қилиш ташкил қилинган, менга келсак, менга бу нарса керак эмас”. У тин олди, юзи ўзгарди ва айтди: “Майли, мен сени тушунаман”.

Мунофиқлар лойқа сувда балиқ тутишни бошлаган вазият ўта муҳим ва эътибор бериш лозим бўлган ҳолатдир. Худди шундай нарса Пешоварда араблар билан бўлган эди. Бир пайтлар Пешовардаги бозор ва машиналарда покистонликлардан кўра араблар кўп эди. Шунинг учун уларнинг муаммоси кўп бўлиб, полицияга биттаси граната отарди, бунинг орқасидан эса кейин қўпчилик қамоқча тушарди. Душман фитна чиқариши учун қулай вазият Боснияда ҳам бўлган эди. Ўшанда урушдан сўнг араб мужоҳидлари ҳар томондан ҳужумга учраган эди. Алҳамдулиллаҳ, бу ерда вазиятни назоратга олдик, биз унчалик кўп эмас эдик, гурухлар ҳам унча кўп бўлмаганлиги сабабли Аллоҳ тартибга солишини енгиллаштириди. Шундан сўнг биродарлар тайёргарликни кучайтиришди, ҳали Доғистон воқеалари бошланмаган эди...

6-қисм. Доғистон жиҳоди

Кўпчилик мусулмонлар “Биродарлар Доғистонга киришда шошқалоқлик қилишди, чунки урушни биродарлар бошлашди” деб ўйлайди. Бизга бу каби айблов қўяётганларга шуни айтмоқчиман:

Русия армияси Афғонистон, Тожикистон, Босния ва Чеченистон мусулмонларининг қонини сўрди, ерларини вайрон қилди. Аммо агар Ислом лашкарлари фаоллик кўрсатишса, дарров айблашади. Осмонлардан ерга тушиш вақти келди.

Русия ўзининг армиясини тайёрлаб олиш учун, беш йиллик сулҳга имзо чекди. Русия генераллари яна қайтамиз деб эълон қилишди, ҳатто Масҳадов (Чеченистоннинг иккинчи президенти) уларнинг яқинда қайтишини телевидениеда шахсан ўзи эълон қилди. Қачон мусулмонлар тушунишади??

Улар айтишди: “Биз қайтамиз”. Руслар Чеченистондан чиқишгандан сўнг дарҳол, ахборот йигиш, йўлларни ўрганиш ва ҳоказолар учун ўзларининг айгоқчиларини жўнатишли. Улар мунофиқлар билан биргаликда яхшилаб ҳамма нарсани ўрганиб чиқиши. Улар иккинчи куниёқ темир йўлларини ишга туширишди, мунофиқлар бемалол келиб-кетишарди. Уларнинг жосуслари бизга бир ярим йил олдин русларнинг тоғ тарафдан кириб келишини айтишган эди. Ҳарбий машғулот ўташ майдонларимизнинг ўзида, Шомил, Хаттоб ва бошқа қўмондонларни ўлдириш учун жўнатилган уларнинг 37 та жосусларини тутдик. Бу жосусларнинг ўзларининг икрори эди. Ахир бу уруш эмасми?

Давлатлар, битта жосус бошқа давлатга айғоқчиликка ўтса йиллар давомида уруш қиласди. Биз ўнлаб жосусларни тутдик, яна сиз урушни бошламаслик керак эди деб бизни айблайсиз. Руслар келиб, бошқа урушлар каби, бизни топташи, ерларимизни ёқиши, шундан кейингина биз уларга жавоб қилишимиз керак эдими?! Наҳотки, ерлар ёқилиб, ҳамма нарса вайрон қилиниб, телевидениеда ўлган жасадлар, уларнинг устида йиғлаётган аёллар ва болаларни кўрсатишгандан сўнг, ҳак-хуқуқларимиз топталгандан сўнг жавоб қилсак!

Биз бунақа саҳналарни қўп кўрганмиз, ҳар бир ақлли одам бу белгилардан англаш мумкин, руслар яна ҳужум қилмоқчи, бу эрта-индин содир бўлади.

Чеченистоннинг ўзида қўп воқеалар бўлиб ўтди. Менга суюқасд уюштиришди, машинани портлатиб, менга ҳужум қилишди. Сиз яна нималар бўлишини хоҳлайсиз? Улар Шомилни ўлдиришмоқчи бўлишди, буларнинг ҳаммасининг ортида Русия ва унинг шу ерлик мунофиқлардан айфоқчилари туради.

Мусулмон дунёси урушдан сўнг Чеченистондан юз ўгиришди. Одамлар ҳукumat қуришга ҳаракат қилишарди, мужоҳидлар эса ҳеч нарсасиз қолишли. Бу вақтда мунофиқлар биноларни компьютерлар билан жиҳозлаб, айтишарди: "Мен фалон жойнинг министри бўламан". Албатта Масхадовга ҳам маълумотли, димломли, тажрибали, ишлашга тайёр одамлар кўпроқ ёқади.

Агар мужоҳид келса, унга ички ишлар министрлигини таклиф қилишади, у эса кабинет, бино, машина, форма ва бошқаларни талаб қиласди. Ҳаммасини қаердан олади? Давлат жуда ҳам муҳтоҷ, ҳукumatни ўрнатиш зарур, аммо имкониятлар йўқ. Бу вазиятдан фойдаланиб мунофиқлар давлат тизимларига кириб келишди ва муваффакиятларга эришишли. Мужоҳидларга эса чегара постлари, полиция, турмаларни қўриқлаш, одамларни текшириш, қазиб олинаётган ва сотилаётган конденсат (нефт маҳсулотлари аралашмаси) қолди. Табиийки улар аҳоли билан доимий келишмовчиликда эдилар.

Бутун иқтисодий ва маъмурий бошқарув тизимларини ўз қўлига олган, давлатда асосий мавқени эгаллаб олган мунофиқлар, руслар учун керакли ахборотларни осонлик билан етказиб беришарди. Ҳа, ана шундай бўлди.

Биз фақат одамларни ўқиб-ўргатишни, тайёрлашни хоҳлагандик. Уларга ер ва емиш топмоқчи эдик. Бизни доимий қийнаган масала, ижара масаласи эди. Биродарлардан бири тинимсиз у ёқдан бу ёқка қатнарди, қўрқардики, яна таъминот узилиб, иш тўхтаб қолмасин.

Одамлар биз билан алоқа қилишдан қўрқишаарди, улар "Сизлар фақат урушни хоҳлайсизлар, уруш эса тугади" деб айтишарди. Айниқса Догистондаги амалиётдан сўнг, биз унда Буйнакский ҳарбий қисмига ҳужум қилгандик, одамлар шундай деб ўйлай бошладилар. Хуллас одамлар биз билан алоқа қилишни исташмасди. Иш шу даражага бориб етди, хат ёзсанк бизга айтишли: "Хат ёзишни истасанг, исмингни ёзма, шунчаки ташкилот ёки олийгоҳнинг номини ёзиб қўйсанг етади". Мен айтдим: "Яхши, биз хатни жўнатганда, сизлар айтгандай ёзиб қўямиз".

Вазият жуда оғир эди, урушнинг белгилари аниқ кўриниб туради. Урушнинг белгиларини шу жойга яқин турганларгина сеза оларди, вазиятни озчилик тушуниб етди. Шунинг учун биз тайёргарликни бошладик ва ҳамма нарса биз ўйлагандак бўлиб чиқди.

Русия ҳарбийлари, Наурский ва Шелковский туманларига ҳужум билан кириб келишли, уларнинг самолётлари Грозний устидан уча бошлади. Агар ҳарбий самолётлар бошқа давлатнинг чегарасидан ўтиб, уни устида айланга бошласа, шу сабабли икки давлат ўртасида уруш бошланмайдими?

Догистонлик биродарлар баъзи бир қишлоқларда, кофирлар бошқарувини бекор қилишиб, шариат қонунларини ўрнатишли. Тўғри, биз уларга ёрдам бердик, қўлланма бердик ва тайёрладик. Одамлар урушдан (1-чечен уруши) сўнг бошини кўтаришли ва милицияни ҳайдаб чиқаришли. Ҳукumat нима килишини билмай қолди. Қаерда милиция бўлса, шу ерда ичкиликбозлик, порахўрлик ва ҳоказоларни топасиз. Қачонки, биродарлар ҳокимиятни ўз қўлларига олишгач, милицияни ҳайдаб, шариатни ўрнатишли, колхоз тизимини бекор қилишли (бу коммунистлардан қолган тизим бўйича халқ ўз ерларидаги ҳосилни йиғиб, арзимаган нарҳда давлатга сотишга мажбур). Шундан сўнг одамлар меъёрдаги фаровон турмуш тарзига қайтишли. Бошқа қишлоқлар ҳам улардан ўrnak олишиб, милиция ва амалдорларни ҳайдаб чиқара бошлашди. Русия бундан дарров хавотирга тушди.

Бизнинг барча куфр ҳукумат тизимларини бекор қилиб, ҳамма ҳудудларда шариатни ўрнатиш ниятимиз бор эди. Ҳукумат руслардан ёрдам сўради, биродарлар мужоҳидлардан ёрдам сўрашди. Биз руслардан олдин Догистонга кириб келдик. У ерда қулай мавқеларни эгаллаб, русларнинг ҳужумини кута бошладик.

Бизнинг режамиз шундай эди, Догистонга киришда, мужоҳидларга ёрдам беришдан бошқа ниятимиз йўқ. Аммо бу ёрдамнинг ўз босқичлари бор, куфрий ҳукумат тизимини бекор қилиш ҳамда бу босқичда улар биздан ёрдам сўрашса ёрдамга келамиз. Мабодо Догистон ҳукумати бу муаммоларни ўзлари ҳал қилишмоқчи бўлса, бунинг ҳеч қўрқинчли жойи йўқ. Агар рус ҳарбийлари кириб келишса, у ҳолда биз ҳам кириб келишга ҳақли бўламиз, охир-оқибат шу нарса содир бўлди.

Биз тайёргарликни бошладик, аммо вазият ўзгарди. Одамларга тушунтиридик, шошилманглар, бизга тайёргарлик кўриш учун имконият беринглар, аммо рус қўшинлари кириб келганди. Догистонлик мужоҳидлар сафида шаҳид бўлганлар ва ярадорлар кўп бўлиб, улар биздан ёрдам сўрашди. Уларни ёрдамсиз ташлаб қўйишилик, шариат бўйича ҳаром, шундай экан биз кириб келдик. Ўзимиз хоҳламасак ҳам, руслар бунга бизни мажбур қилишди.

Биз уларни ўраб олдик, ҳолат гўёки учинчи жаҳон урушидек тус олган. Догистонда бўлган воқеаларни, умримда кўрмаганман, бундан кейин ҳам кўрмасам керак. Ҳаво кучлари тонналаб бомба билан, ҳамма ёқиб, бомбардимон қилди.

Руслар томонидан бутун бир водий ёқиб юборилди. Ҳаким Маданий гуруҳи русларга катта қирғин келтиранидан сўнг, улардан 30 та ёш мужоҳидни шаҳид қилишди, Аллоҳ уларни раҳматига олсин. Кейин ҳарбий амалиёт тўхтатилди.

Бизга чекинишга белги берилди, бир кечада биз у ерни тарк этдик. Аммо уч кундан сўнг қайтиб келдик, сабаби руслар Карамахи, Чабанмахи ва яна учта қишлоқни ўраб олишганди. У ердаги аҳоли ичida 1000 та бола 1500 хотин-қизлар бўлиб, қишлоқ аҳли ҳеч нарса қилмаган, ҳеч нарсага аралашмаган, куфр тизими билан ҳам муаммоси йўқ эди. Аммо кофирлар уларни ўраб олиб, бомбардимон қилишиб, сулҳ тузгани мажбур қилишди. Одамлар руслар нимани исташаётганини билиш учун чиқиши.

Руслар айтиши: "Қуролларни топширинглар, қишлоқ мудофаасини бекор қилинглар". Улар жавобни маслаҳатлашиб, эртага берамиз дейишиди. Аммо руслар ваъдани бузишиб, тунда уларни артиллериядан ўқقا тутишди. Рус қўшинлари нимага кириб келди деб, ҳеч ким гапирмайди, эътиroz ҳам билдирамайди, агар мусулмонлар биринчи бўлиб ҳужум қилишса, дарров сизлар ноҳақсизлар деб айблашни бошлашади. Жуда қизик, одамлар ёрдам сўрашди, биз уларнинг кўкрагидан итара олмасдик.

Бу вақтда биз ярадорларни даволаб, тайёргарлик қилишимиз зарур эди. Мен биродарларга айтдим: "Мен кимнингдир бу ерда қолишини истамайман. Ким қўшилишни хоҳласа марҳамат, ким хоҳламаса, хайр". Биз яна қурол-аслаҳа ва гуруҳларни тайёрлашни бошладик. Одатда бу бир ой вақт эгаллайди. Аммо биз икки-уч кун ичida тезда одамларни йиғиб, гуруҳларни туздик.

Кейин одамлар айтиши: "Бизга яна икки кун муҳлат бер, бизга қўшилишни истовчилар бор". Баъзи гуруҳлар бир ҳафтада ташкил қилинганди.

Биринчи жангдаёқ, Русия ва Догистон қўшинларидан, ҳарбий амалиётларни тўхтатишни, ҳамма нарсани тинчлик йўли билан ҳал қилишни сўрагандик.

Биз тинчлик йўли билан ҳал қилиниш тарафдори эдик, аммо бизда танлаш имконияти йўқ эди.

Догистон ва Чеченистон ҳалқи бирлашиб шўро ўтказиши. Ахир Русия демократияга чақирмаяптими? Бу одамлар мажлис ўтказиб, ўзларини вакилларини сайлашди. Бу шўрода биз факат ҳарбий томонларни кўрсата олдик. Одамлар яна кўп муаммоларни ҳал қилиш учун йиғилишганди. Улар ҳукуматга ва русларга хат орқали мурожаатнома йўллашди.

Аммо руслар ва уларнинг Доғистондаги малайлари уларни эшишишни ҳам хоҳлашмади. Доғистон ҳукуматининг руслардан ёрдам сўрашга ҳаққи бору, халқнинг мужоҳидлардан ёрдам сўраши мумкин эмасми?! Бу шунчаки кўрлик!

Биз Доғистонга руслардан бир ҳафтадан кейин кириб келдик. Биз барча тинчлик музокараларини таклиф килдик, аммо улар жавоб бермай, рад қилишди. Оқибатда қаттиқ тўқнашув юз берди. Шариатни эълон қилган Цумади қишлогида шафқатсиз жанглар бўлиб ўтди. Алҳамдуллаҳ, Аллоҳ бизга уларнинг ҳарбий карвонини ўраб олиш ва яксон қилиш имкониятини берди. Натижада жуда кўп рус аскарлари ўлдирилди.

Аллоҳга қасамки, биз Доғистонда биринчи ўқимизни отишимиздан олдин, рус қўшинлари Чеченистоннинг Шелковский ҳудудида бир километрга силжишиб, Наурский тумани ҳудудида кучларини йиға бошлишди. Ким буни билишни хоҳласа шу жойлик одамлардан сўрасин, ҳатто Масҳадов ҳам буни билади. Одамлар шу бир километр масофани олиш учун, чечен армиясини ташлаб кетишга тайёр эди. Руслар чегара постларига ҳужум уюштирилди.

Ҳаммаси аниқ, Россия бостириб келишни режалаштиряпти, аммо биз улардан илгариладик.

Охирги 200-300 йил ичida биринchi марта Аллоҳ бизга ҳужум жиҳодини қилиш имкониятини берди (аммо баъзи олимларнинг фикрига кўра Доғистон жиҳоди, ҳимоя жиҳоди эди. Чунки Доғистон кофирлар томонидан босиб олинган мусулмон ерлари ҳисобланади – таржимон изоҳи). Душман бизга ҳужум қилишидан олдин, биз жиҳод амалиётини ўтказдик. Биз ўрганиб қолганмиз, душман биринчи бўлиб ҳужум қиласи, ўлдиради, зўрлайди, шундан сўнг биз турли, тиббий ва хайрия ташкилотлар орқали ёрдам беришни бошлаймиз. Келинглар, ҳеч бўлмаса биз ҳам биринчи бўлиб ҳужум қилайлик. Доғистон амалиёти русларни ҳисобдан адаштириб, шошириб қўйди. Аллоҳга қасамки, руслар Чеченистонда қатлиом уюштириб, бу ердаги мусулмонлардан бутунлай қутилишни режалаштирган эдилар.

7-қисм: Иккинчи чечен уруши

Чеченистонда ҳарбий амалиётлар бошланди. Биз Шелковский тумани шимолида, Грозний шимолидаги тепаликларда ва Урус-Мартанда ҳимояга тайёрлана бошладик. Бу жабҳаларда биродарлардан Рамзан Цакаев, Рамзан Аҳмадов ва Яъқуб Гомидийлар бор эди. Бундан ташқари яна учта катта гуруҳлар - ғарбий жабҳада биродаримиз Абу-ал-Валид Аргунда бошқа гуруҳлар билан бирга эди, Грознийда биродарларимиздан Абу Зар "Хирот" ва Исмоил "Баграм" Аллоҳ раҳм қилсин, Сержен-юртда биродаримиз Абу Жаъфар бор эди. Амалиётлар бошланди. Биз иккита муҳим йўналишни ташкил қилдик: тоғли секторларда алоқани сақлаш мақсадида Дуба-юртда Яъқуб бошчилигига Рамзан, кўриқчилар бошлиғи ва Бекхон, Веденода Абдуссомад Тожикий ва Абу Жаъфар.

Грознийда ҳарбий амалиётлар бошланди, Абу Зар билан 400 та одам, Дуба-юртда Яъқуб, Рамзан ва Абу ал-Валид билан 400 таси, Сержен-юртда биродарларимиз Абу Жаъфар ва Абдуссомад билан бирга 200 та мужоҳид бор эди. Буларни ҳаммаси Грознийни қамали билан яқунланди, мужоҳидлар шаҳарни ташлаб тоғларга чиқиб кетишиди.

Чеченистоннинг ҳарбий жиҳатдан энг муҳим стратегик туманларидан бири Шатойда кўп қийинчиликлар бўлди. Бу тоғли ҳудуд бўлиб, фақат баландлик ва йўлларни назоратга олишнинг ўзи кифоя қиларди. Аммо кун жуда совуқ ва қорли бўлиб, мужоҳидлар ҳолсизланган, касал, одамларни йиғиш, уларни тайёрлаш қийин эди.

Биз шўро ўтказдик, бунда Гелаев, Шомил, Арби ва Рамзанлар иштирок этишиди. Биз уларга айтдик, руслардан аввал тоғларни ўз назоратларингизга олинглар. Аммо улар: "Бизга бир ҳафта дам керак"- дейишиди. Шундай қилиб десантлар тушишини бошлади. Русларнинг биринчи гурухи бир жойга ўрнашиб, секин-аста ҳудудни кенгайтира бошлишди. Руслар баландликларни өгаллашгандан кейин, бу ҳудудда туриш бизга қийин бўлиб қолди. Ҳа, Шатойда шундай вазият

бўлганди. Руслар келиб бутун йўл ва сўқмоқларни эгалламасдан олдин, бу жойни тарк қилишга қарор қилдик, шунда араб муҳожирлари иштироки хусусидаги муаммолар бошланди.

Менимча, араб ўлкаларидаги биродарларимизнинг бу мавзуга оид саволлариға жавоб берганман. Грузия орқали йўл очиқлигида, мен биродарларга – Чеченистонга келишга шошилманглар, сабаби қиш яқинлашяпти, бунинг устига руслар тезкорлик билан қишлоқларни ўраб олишяпти, - деб айтган эдим. Мен вазият оғир, шошилиш керак эмаслигини, қиш яқинлашаётганлинини, мужоҳидлар учун зарур бўлган касалхона, дам олиш жойи йўқлигини айтган бўлсамда, шайх томонидан (баракаллоҳу фийхи) жиҳодга кучли тарғиб бўлганлигидан мужоҳидларнинг оқими тўхтамади. Баъзи одамлар ва қўмондонлар айтишдики: "Келишса-келишаверсин барчасини таъминлаймиз". Афсуски, биродарларнинг 70 фоизи тайёргарликсиз эди.

Биз шайхга мактуб йўллаб "бу ерга одамларни жўнатишни тўхтатинглар", - дедик. Аллоҳга қасамки, биз улардан, улар биздан чарчашган бўларди.

Руслар бизни тинимсиз бомбардимон қилишарди, улар тайёргарлик кўришмаган, машғулот ўтай десанг, лагер йўқ. Руслар кириб келишгандан сўнг чечен жиҳодига тарғиб тўхтатилди, кўп биродарлар ортига қайтиб кетишиди. Лекин ўша пайтда 100 та биродар Чеченистонга кириб келишганди. Мен жанубий сўқмоқлар очиқми ёки йўқлигини суриштира бошладим. Агар у ерлар мужоҳидлар назоратида бўлса, биродарларнинг Чеченистонга келишларига муаммо йўқ. Жанубда база очиш мумкин, у ердан чиқиб кетса ҳам бўлади, аммо Грузия биз учун ҳеч қачон хавфсиз бўлмаган, Кавказ мужоҳидлари билан ҳам яхши тарихга эга эмас.

Грузинлар – насроний динидалар, улардан яхшилик кутмаймиз - куфрнинг дини бир, улардан мужоҳидларга хиёнатдан бошқасини кутиш қийин. Руслар жануб томонга кириб келишгандা, Грузияга кетадиган йўлларни ҳам ўз назоратига олишди, энди русларнинг мақсади нима эканлигини англаш қийин эмас.

Албатта, Чеченистонга мужоҳидларнинг келишидан норозилигимизни, нотўғри тушунган биродарлар ҳам бор эди, Аллоҳ уларни кечирсин. "Улар ҳамма қийинчиликларни ўзлари босиб ўтишмоқчи, бошқаларга яхшиликни раво кўришмайди" - деб гапира бошлашди. Бу гаплари учун улар Аллоҳнинг олдида жавоб беришади. Балки бу ердан қайтиб кетган биродарларга, қиш пайтида, чечен ерларида ёрдамга келган биродарларнинг аҳволи нима бўлганлиги ҳақида айтиб бериш керакдир. Ким хоҳламайди дейсиз, ислом лашкарларининг ислом тупроғидаги жиҳодда, ҳарбий тажриба орттиришларини, ўқиб-ўрганишларини. Улар айнан ҳозир, бугун, тайёргарлик қилишлари керак эди, чунки бу умматнинг энг нозик жойи. Бу уруш, исломни ўғлонлари учун жангда иштирок этиш, жанговар тажриба орттириш учун ягона жой эди, аммо бизда емиш, кийим-кечак, бошпана етишмасди, шу сабабли биз ерга келишига йўл қўймадик.

Шатойдан чиқиш

Кейин Шатой тажрибаси бошланди.

Мен ҳар бир биродар бу ёзганларимизни ўқишини ёки эшитишини, шунингдек, Чеченистонга яқинда келган, тилни, маҳаллий жойни билмайдиган, тайёргарлиги йўқ биродарлар билан учрашишни истардим.

Улар сизларга, аввал ҳеч қачон йўлиқмаган, мاشақатли синовларни айтиб беришади.

Руслар кириб келиб, бутун тоғли ҳудудларни ўз назоратларига олишгандан сўнг, мен биродарлар билан учрашиб, айтдим: "Агар биз бу ҳудуддан чиқиб кетмасак, руслар ҳамма томондан сиқиб келиб, вазият ёмонлашади".

Аллоҳнинг душманлари: "Биз уларни бир ҳафтада йўқ қиласиз ва ёлланма аскарларнинг танасини кўрсатамиз" деб гапиришни бошлашди, ҳар хил қўмондонларнинг исмларини айтиб кўришиди. Улар Путиннинг қўлида Хаттоб ва Шомилнинг бошини ушлаб турган расмини чизишиб, (у

пайтда у премьер-министр эди) бу билан улар гүёки вазиятни шундай тасвирлашиб, яқында ҳаммаси тамом бўлади дейишмоқчи эди.

Ҳамма қўмондонлар Шатой туманидан чиқишга рози бўлишгандан сўнг, мен сўқмоқ йўлларни разведка қилгани чиқдим. Йўллар снарядлар портлаши натижасида чуқурликлар билан қопланганди. Чуқурлар шу қадар катта бўлиб, улардан ҳарбий машина ҳам ўта олмасди.

Биз Шатоидан жуда қийинчилик билан чиқдик. Мен ҳамма тайёр бўлиб турсин ва ҳеч ким қимирамасин деб айтдим. Биз тунда йўлга тушдик, аввал баланд тоққа чиқиб, кейин чуқур дарага тушишимиз керак эди. Биз баланд тоғ томонга қараб юра бошладик, мужоҳидларга қишда ҳаракат қилиш жуда қийин эди. Алҳамдулилаҳ, биз ўтиш учун қулай жой топдик ва мен яшил белги бердим.

Мен карвонда 500 дан 700 тагача одам бўлса керак деб ўйлаган эдим, лекин биз билан 1 250 та мужоҳид бор экан. Гуруҳларни ташкил қилиш жуда қийин бўлди. Ҳар бир гуруҳга амир тайинладик, аммо ҳар бир одамни ва амирни таниш ҳолатида эмас эдик. Йўлга чиқишдан олдин, сафар узоққа чўзилишини ҳисобга олиб, овқат заҳираларини қўйдик. Баъзилар олишди, баъзилар эътиборсизлик қилиб олишмади ва оқибатда ўзлари қийналишди.

Сафар бошланганда, гуруҳларни кузата бошладим, карвон гүёки ари инига ўхшарди: ҳар хил гап-сўзлар, бақир-чақир ва ҳоказолар. Ҳар бир гуруҳнинг ўз амири бўлиб, мен гуруҳларни тартибга келтира бошладим.

Мен айтдим: "Ўт ёқманглар, ҳамма ёқда руслар, агар улар бизни билишса, бу ерларни ёқиб ташлашади". Баъзилар буйруққа итоат қилишди, баъзилар қилишмади.

Ҳаво қаттиқ совуқлигидан кечаси ухлашнинг иложи йўқ эди. Кундузи ҳам бунга имкон йўқ, чунки биз асосан кундузи юрардик. Биз 4-5 кун давомида оч, кийимларимиз ҳўл, совуқ қотгандик. Оёқ кийимларни ечишнинг иложи йўқ, оёқларимизга қон бормаганлигидан ранги оқариб кетган. Совуққа чидаб бўлмасди, ёшлар ўт ёқишини бошлашди. Бу қақшаган совуқда, улар оловга шу қадар яқин ётишди, уйқуга кетганда уларнинг кийимлари ёниб кетди. Агар буларни кимгадир айтиб берсанг ишонмайди.

Биродарлар касал бўла бошлашди, уларда ич кетиш бошланди, совуқдан ва очликдан ҳолсизланиб, ранглари оқариб, лаблари ёрилиб кетди. Биз чиқиш учун йўл излай бошладик, руслар ўзларининг энг зўр кучлари, "специз"ини ҳар бир тепаликка жойлаштирганди Улар ўзларининг махсус гуруҳларини тайёрлаб, "жиноятчи-террористларни яксон қиласиз" - деб эълон қилишди. Улар бунга учун жуда яхши тайёргарлик кўришганди. Уларда кийим-кечак, палатка, унча катта бўлмаган иситгичлар бор эди, гүёки беш юлдузли меҳмонхона дейсиз. Уларда ҳамма нарса бор, биз эса бу пайтда ўрмонма-ўрмон изғиб юрардик.

Мен одамларни дарага йигиб, ўт ёқинглар дедим. Биздан унча узоқ бўлмаган жойда, вайрон қилинган, аҳоли ташлаб чиқиб кетган қишлоқ бор эди. Баъзи мужоҳидлар у ерга киришиб, қолиб кетган нарсалар (товук, мол) билан қорнини тўйғиза бошлашди. Руслар ҳар куни одамларни ёқиб, ўлдириб, тунда келиб қишлоқларни талон-тарож қилишарди. Биз улардан кейин кириб, фақат зарур нарсаларни: "Иншааллоҳ, кейин ҳаммасини қайтарамиз" - деб олдик.

Одамларни бошқариш қийин эди, амирларнинг ўзи 20 тадан ошиқ бўлиб, улар билан учрашиш ҳам осон эмасди. Бу бутун бир армия эди. Мен уларни рация орқали йигишимга тўғри келди, бошқарувни қўлимиздан келганича қилдик. Биз энг асосийси - ким жароҳат олган, ким шаҳид бўлганлигини билишимиз зарур эди.

Биз дарадан кўтарила бошладик. 18 кундан буён қай аҳволда бўлганимизни фақат Аллоҳ билади. Биз сўқмоқ йўл излай бошладик ва мен Абул-Валид билан разведкага чиқдим. Бунгача биродаримиз Абу Умар Наждийни бир гуруҳ билан жўнатган эдим, аммо улар адашиб қолишиб, бизга ҳеч қандай ахборот келтиришмади. Биз Абул-Валид билан иккинчи гуруҳда эдик, тепага кўтарилишни бошлашимиз билан русларга дуч келдик. Ўртада отишма бошланди, биздан бир

киши яраланди ва бир киши шаҳид бўлди. Абул-Валид ҳам яраланди, руслар эса тепаликда қолишиди.

Мен унча катта бўлмаган баландликка алоқа боғлаш учун чиқдим. Абул-Валид ва яна бир биродар билан кўтарилиганимизда, дараҳтларнинг орасида жимирилаган нур кўринди. Биз булар маҳаллий мужоҳидлар бўлса керак деб ўйладик. Биз уларни руслар деб гумон қилмадик, чунки улар одатда кечаси ёритувчи ракеталар отишиб, тун бўйи ҳар тарафга ўқ узишарди. Мен Абул-Валидга айтдим, ҳали у яраланмаган эди: "Улар мужоҳидлар бўлиши мумкинми?" - Абул-Валид айтди: "Бу оловми ёки бошқа нарсами?" Биз кўриш учун у тарафга қараб юрдик ва одамларнинг овозини эшитдик. У айтди: "Улар билан гаплашгани мен билан шу ерлик биродар бирга борсин. Агар улар чечен мужоҳидлари бўлса биз русча гапирсак, улар ўқ узиши мумкин". Араб-биродарлар рус тилини ўрганишган эди, чунки чечен тили жуда мураккаб ва битта халқнинг тили, рус тилида бутун Кавказ халқлари билан гаплашса бўлади.

Менинг қўриқчиларимдан бўлган чечен-биродар уларни чақирди, қараб турсак олов катталашди, кимдир палаткадан чиқиб ўқ уза бошлади. Чечен биродар яраланган бўлишига қарамасдан, у ҳам ўқ уза бошлади, мен ундан 10 метр орқада туриб, рациядан яrim соат чақирдим. Бу отишма бошлангандан сўнг, артиллериядан зарба берилиди. Биз Абул-Валид билан воқеа жойидан дарров чекиндик, бу ҳудудда яна ҳам кучли отишма бошланди. Руслар мужоҳидлар карвонининг ҳаракатини тўхтатиш мақсадида ўтиб бўлмас халқа билан ўраб олишганди. Биз русларда ҳеч қачон бундай жасоратни кўрмаган эдик, улар ҳамма жойда бор эди.

Биз орқага қайтиб, вазиятни Шомилга тушунтиридик ва бу муаммони қандай қилиб бўлса ҳам ечиш керак дедик. Шомил биз қишлоқдан чиқиб кетишимиз зарурлигини айтди. Руслар бутун қишлоқда бўлиб, биз иккита тоғ оралиғидаги дарада эдик. Мен Шомилга айтдим, вазият жуда жиддий ва биз билан 1200 та мужоҳид бор. Бу қишлоқларда рус қўшинларининг катта қисми йигилган. У айтди: "Мен маҳаллий жойни билмайман, биз тоғдан кетишимиз керак. Мен айтдим: "Келишдик, мен биродарларни йўлларни разведка қилгани жўнатаман". Мен биродарлардан Ҳусайн Шишаний, (Араб Яrim Оролидан энг яхши биродарлардан, Аллоҳ ўз яхшилигини берсин) Абу Зар Тоифий, чечен-биродарлардан Ислом исмли биродарни жўнатдим.

Улар кетгандан сўнг, ўрнимдан туриб дараҳтдан бошпана қилиб ўт ёқдим. Мен билан Абу Зар рацияда боғланиб "Таж" деди, мен жавоб қилдим. У айтди: "Биз ўтиб олдик, аммо ўнгда бир километр масофада руслар. Нима қилайлик?" Мен айтдим: "Агар улар йўлда сизларга учрамаса, юришда давом этинглар". Улар йўлда давом этиб, бу жойдан чиқиб кетишли.

Ҳаммаси жойида, нариги тарафдаги биродарлар билан келишиб олдик, улар бизни кутиб олишади.

Кейинги кун "бисмиллах" деб, гурухларга йўлга чиқишига буйруқ бердик.

Мен Шомил ва Яъқубни чақириб, биродаримиз Ҳирот билан бирга карвонни назорат қилишни буюрдим, яраланган Абул-Валид, Мутиб, шунингдек биродаримиз Абдуссомадларни ҳам чақирдим. Биз йўлга тушдик. Мен ва менинг гуруҳим йўлда кетаётib бир жойда ухладик. Агар биз икки соатга кеч қолсак руслар бизга тўқнаш келарди. Бу вақтда руслар, разведкага чиқсан гурухнинг изидан тушишганди.

Одатда рус ҳарбийлари тепаликда 2-3 кун, баъзан бир ҳафта қолишиб, маҳаллий жойни ўрганишарди, мужоҳидларнинг лагери ва ҳандақлари, борми ёки йўқлигини аниқлашиб, кейин бошқа жойга кетишарди.

Шу куни эрталаб соат 8-9ларда мен сафнинг бошида, бир неча назоратчилар билан бирга кетаётгандим. Биз биринчи гуруҳ ўтган йўлнинг хавфсизлигига ишонч ҳосил қилмоқчи эдик. Яъқуб ва Шомил бутун гуруҳи билан биздан орқада эди. Бирдан менинг йўналишиимга қараб келаётган оқ кийимли одамларни кўриб қолдим. Мен қўриқчиллик қилиб олдинроқда келаётган иккита биродарни чақирдим, аммо улар менинг овозимни эшитишмади. Бу

Оқ кийимли гурух бизни кўриб тарқай бошлади. Биз жанговар мақени эгалладик, ўртада жанг бошланиб кетди. Отишмада ёнимда турган биродарга Калашников пулемётидан ўқ келиб тўғри юракка тегди, аммо ўқ-дори халтачасини тешиб, ўқ терида қолди. Мен ўйладим: "Ҳасбуналлоҳ, ким буни олади, буни қаерга олиб борамиз?!"

Биз уларга граната ота бошладик, отишма янгича шиддат билан давом этди.

Менинг гуруҳим бе кишидан иборат бўлиб, бир киши яралангандан сўнг, мен хавфсирадим, чунки руслар чекиниш ўрнига, ўнг ва чап томондан мўлжалга олиб, бизни ўраб ола бошлашди, тушундимки улар жуда кўп.

Мен биродарларга чекинишга буйруқ бердим, биз чекиниб барча яхши кўриниб турадиган, баландликка ўрнашиб олдик. Биз бу ерда пиистирма қилишни режа қилдик ва русларнинг қайтиб кетишини кутдик. Мужоҳидлар ҳам яқинлашиб қолишганди, улар қандай қилиб ҳужум қилиши мумкин? Аммо бу маҳлуқлар жимгина, ишонч билан биз томонга яқинлашишарди. Бу вақтда Яъқуб мужоҳидлар карвони билан биз турган жойга етиб келишди. Биз русга ҳужум қилиш учун қулай фурсатни кутиб тургандик, бир биродар шошилиб уларга ўт очди, улардан бири ерга ағдарилди, кейин биз уларнинг учтасини ўлдиридик. Қолганлари чекиниб, ёрдам чақиришди. Ёрдам артиллерия ҳужуми кўринишида кўп куттирмай етиб келди. Дастлабки иккита снаряд ўзларининг бошига тушди. Уларнинг орасида ўлганлар ва жароҳатланганлар бор эди. Биз уларга ўқ узишни бошладик, улар ёрдамни чақиришга чақириб олиб, кейин чекинишни бошлашди. Мен биродарим Яъқубга тезда чап томонга гурух жўнатиш кераклигини айтдим. Карvon йўлга чиқиб бўлган, ортга қайтишнинг иложи йўқ, чунки руслар бизнинг жойлашган жойимиздан хабардор, бошланган сафарни охирига етказиш керак эди.

Мен уларни чап томондан тўсиш учун гурух жўнатдим, аниқладимки душман 30-35 кишилик гуруҳдан иборат бўлиб, уларнинг орқасида яна бир гурух бор. Биродарлар уларни айланиб ўтиб, орқа томондан зарба беришди. Улар араплашиб кетиб, нима қилишни билмай қолишди. Мен Яъқубга айтдим: "Сен чап томондан айланиб ўт, мен ўнгдан бораман".

Руслар рўпарасида уларга қаратса ўқ узаётган тоғ тўла мужоҳидларни кўриб, бизни ўраб олишяпти деб ўйлаб, жуфтакни ростлашди. Мен ва Яъқуб улар томонга қараб йўл олдик. Биз уларнинг озиқ-овқат ва ўқ-дориларини ғанимат қилдик. Аллоҳга ҳамд бўлсин, бизнинг ўқ-дориларимиз ўзи шу вақтга келиб тугаган эди.

Мен Яъқубга айтдим: "Улар тарафга бор". У айтди: "Алҳамдуиллаҳ, биз уларнинг қурол-яроқ, ўқ-дори, палатка ва ухлайдиган қопларини олдик". Биз буларга жуда муҳтож эдик. Биродарлар уларнинг изидан кетишли. Биз уларни кузата бошладик ва биродарларни йигиб, улар жойлашган жойгача бордик.

Баъзилар юқорига кўтарилишди, баъзилар пастда қолди. Яъқуб 5 биродар билан пастда қолиб пиистирмадан руслар гуруҳига ҳужум қилди. Баъзи биродарлар тепадан ҳужум қилишди. Ҳар томондан отишма бошланиб, уларнинг режалари барбод бўлди. Улар сафларини тартибга sola олмай қолишди.

8-қисм: Шатойдан чиқиш

... Русларнинг оғир артиллери яси зарба беришни бошлади. Ҳужум русларнинг ўзлари томонга қараб йўналган эди, чунки мужоҳидлар чекинган, позицияда ҳеч ким қолмаганди.

Мужоҳидларнинг аксар қисми тоғнинг чўққисида эди, мен ўнг томонга тушишларини айтдим, алҳамдуиллаҳ ҳеч кимга зарар етмади.

Орадан озгина вақт ўтиб, давомий ракета ҳужумидан сўнг, шаҳид бўлганлар ва яраланганлар ҳақида хабарлар кела бошлади. Мен биродарлар томонга бормоқчи эдим, аммо давомий бомбардимон туфайли иложи бўлмади.

Биз жароҳатланганларни даволаш, шаҳидларни кўмиш учун олиб келдик. Шаҳидларни кўмиш учун белкурак йўқ эди. Қўлимиздан келгани – пичоқ билан ярим метр кавлаб уларни қўйдик. Ҳамма биродарлар касал ва мадорсиз эдилар. Кўп мужоҳидлар ўзларининг аҳдоларига содик қолишиди,

Бомбардимонлар тугагандан сўнг 30 та яраланган, 30 та шаҳид бўлган биродарларни келтиришиди. Биродарларимиз Абул-Валид, Яъкуб ва Абу Зар Шишаний (Ҳирот) лар ҳам ярадор бўлишган эди.

Биз дарага тушдик - унинг қанчалик чуқурлиги ёлғиз Аллоҳга аён – мен ажабланардим, силласи қуриган биродарлар қандай қилиб тушиб, яна қандай кўтарилишади. Чидаб бўлмас совуқдан кечалари ухлашнинг иложи йўқ. Кундузи 30 дақиқадан ортиқ ухлай олмасдик. 30 дақиқалик уйқудан сўнг, қонни юриштириш учун югуришга тўғри келарди.

Аллоҳ биродарларга эрталаб русларга ҳужум қилишларини ирова қилган экан. Улар 15 метр масофадан русларга ўқ узишди, улар эса қўрқанидан бошини ҳам кўтаришмади.

Бир нуқтанинг ўзидан мужоҳидлар 50 дан ошиқ кофирларга қирон келтиришиди. Биз десантларнинг иккита гурӯхини яксон қилдик, бу вақтда рус ҳукумати “мужоҳидларнинг етакчиларини йўқ қиласиз” - деб бутун дунёга жар солаётганди

Шундан сўнг биз яна илгариладик. Бизда рус асири бор эди, у қочиб кетиб, бизга босқинчиларни бошлаб келди. Руслар бизни 200 ёки 300 та деб гумон қилишган экан. Биз уларнинг сухбатини мухобара сканерида пойладик: “Улар бор йўғи 200 ёки 300 та”, - дейишиди, кейин эълон қилишиди: “Бизнинг аскаримиздан янгилик бор, улар 1200 та” – бу аскар ўша қочган асири эди. Унинг қочиб кетишига сабаб, мужоҳидлар кимнидир қўриқлаш ҳолатида эмасдилар. Уларни тирик қолдириб катта хато қилгандик, уларнинг ҳаммасини ўлдириш керак эди. Бундан кейин биз аввалги ҳолатимизга қайта олмадик.

Бу жангда русларни қирғин қилганимиздан сўнг, бизни давомий бомбардимон қилишиб, артиллериядан ўқча тута бошлашди, кўп биродарлар шаҳид бўлишди (инshaа Аллоҳ). Биз катта гурӯх бўлиб ҳаракат қилардик.

Умримда биринчи марта, ярадор мужоҳидларни ташлаб, жон берганларни кўммай кетаётгандарини қўрдим. Гап шунда эдики, биродарлар яраланган ва қатл бўлганлар билан ҳамманинг ўз гурӯхи шуғулланади деб ўйлашарди. Аммо улар билмасди, одамлар гурӯҳсиз, ҳар ким ўзича таваккалига ҳаракат қиларди.

Мен сафнинг орқасида кетаётгандим, яраланган мужоҳидни топдим, иккита шаҳидни ташлаб кетолмай биродарлардан кўмиш учун ёрдам сўрадим. Бизнинг имкониятимиз йўқ, улардан ҳам буни талаб қила олмасдик, чунки уларнинг қуввати йўқ, ҳолсиз эдилар. Баракаллоҳу фийҳим, биродарлар чарчаган бўлишларига қарамай, бошидан жароҳат олиб жон берган биродарга чуқур кавлашди. Аллоҳга қасамки, ундан мушкнинг ҳиди келарди, одамлар ракета ҳужуми бўлишига қарамай, буни ҳидлагани келишиди ва такбир айтишиди, мен уларга “бўлди, кетдик” - дедим.

Биз уни қўмганимиздан кейин, дарага тушиб кетдик. Эртасига бизни сезиб қолишиди ва вертолётлар учиб келди. Авиация ҳамма жойни ёқиб, бизни бомбардимон қилишни бошлади, улар жуда ҳам паст учсада, уларга жавоб қила олиш ҳолатида эмасдик. Кейин артиллерия ҳужуми бошланди, бошимизга ҳар томондан, турли хилдаги ракеталар туша бошлади.

Мен айтдим: “Энди юзлаб биродарлар шаҳид бўлишади”, ҳамма тушкунликка тушди. Биз “Ҳеч бўлмаса, мужоҳидларнинг ярми тирик қолса ҳам бу яхши” - дедик.

Бомбардимон кучайди, мен Шомил билан маслаҳатлашмоқчи эдим, учрашишнинг имкони бўлмади, кўп амирлар яраланган ва ҳолсиз эдилар. Бунга қарамай биз учрашдик ва вазиятни муҳокама қила бошладик. Биз тушундикки, вазият назоратдан чиқиб, ҳамма ўз ҳолича ҳаракат қилаётганди. Муаммо шунда эдики, вазиятни назоратга олишнинг иложи йўқ эди.

Эсимда, шом намозидан кейин гурухлар Селментаузен ва Дуч-хотор кишлоқларига тушишни бошлашганди. Руслар ҳамма кучларини йиғиб, сўқмоқларни миналаштира бошлашди. Бу қишлоқлардан сўнг, қирғоқлари тик жарлик бўлган хавфли дарёларни кесиб ўтишимизга тўғри келди.

Руслар битта ёки иккита йўлдан ташқари ҳаммасини миналаштиришганди.

Қишлоқларга яширган биродарлар билан алоқа боғлашга ҳаракат қилдим. Улар: "Аллоҳга қасамки, руслар тайёргарлик кўриб, сизларни кутиб туришибди, бу ерга келманглар" - деб хабар беришди. Шомил бу ҳудудларда йўлни давом эттириш керак, деган фикрида қатъий туриб олди. Вазият мураккаблашиб, ҳар дақиқада бошқарув қийинлашарди. Бомбардимон ҳам фақат кучайгандан кучайди. Кўп биродарлар шаҳид бўлишди, жароҳатланишди. Биз 100 дан ортиқ яродарни, ўзимиз киролмаган қишлоқда қолдирдик, аммо қишлоқ аҳли уларни қабул қила олмасликларини айтишди. Шундай қилиб, ҳолат яна ҳам оғирлашди.

Эсимда, шомдан олдин сафнинг ортида кетаётиб, кўмилмай қолиб кетган шаҳиднинг олдидан ўтдим. Мен йўлни давом эттиришга майлим йўқ эди. Аммо биродарим Шомилнинг, маҳаллий жойни билгани учун, ўз нуқтаи-назари бор эди. Мен: "Шаҳидга қабр кавланглар" - дедим. Улар снаряд тушишидан ҳосил бўлган чуқурни кенгайтиришиб, кавлашди ва уни кўмдик.

Юракка оғриқ берадиган яна кўп фожиали лаҳзалар бўлди. Бутун умрим мобайнида бунақасини кўрмагандим.

Қишлоқдан бир неча киши келиб, айтишди: "Биз Аллоҳга қасам ичамиз, руслар сизларни кутиб турибди, улар жуда яхши тайёргарлик кўришган, у ерга борманглар". Охир- оқибат улар бизни кўндиришди. Мен мухобарани ёқиб, айтдим: "Тана иккита калла билан юра олмайди, бу меъёрга тўғри келмайди". Мен бошқарувни унинг қўлига топширдим. Аслида, бу масалада унинг ўз нуқтаи-назари бўлиб, у маҳаллий жой билан таниш эди. У учрашишни сўради ва айтди: "Нима қиласиз?"

Мен айтдим: "Мен бу вазиятга доир ўзимнинг мулоҳазамни айтдим. Энди бизда шунча шаҳид бўлганлар, шунча ярадорлар туриб, яна нима қиласиз? - деб сўрайсан". Кейин айтдим: "Қаердан келган бўлсак, шу ерга қайтиб кетишдан бошқа чорамиз йўқ".

Биз кетган жойдан руслар, ўз аскарларининг 75 та ўлигини йиғиб олишди.

Бу ҳудудда кофиirlар бизни ҳамма томондан ўраб олишини кутгандик.

Эсимда, мен мужоҳидларнинг олдига ўтириб, Аллоҳни эслатдим. У бизга иккита яхшиликни ваъда қиляпти: ғалаба ёки шаҳодат - ҳар иккиси ҳам яхши, мен Аллоҳдан булардан бирини беришини сўрадим.

Мен руҳий тушкунликка тушгандим. Аллоҳга қасамки, уч-тўрт кун ичидаги юзимизда табассум ҳам йўқ эди. Мен биродарларга айтдим: "Сизлар тайёр бўлишларингиз керак", қачонки бирон гурухнинг олдидан ўтсам улар сўрашарди: "Энди нима қиласиз?" - мен жавоб бердим: "Аллоҳ билан учрашувга тайёргарлик қилинглар, Аллоҳни кўп эсланглар, зикр қилинглар, Аллоҳдан сўраймизки, ўқ орқамизга эмас, икки қўзимизнинг ўртасига тегсин. Аллоҳдан сўраймизки, У бизга шаҳодатни берсин, жанг майдонидан қочишлиқдан ўзи сақласин, Аллоҳнинг иродасига тайёргарлик кўринглар".

Биз зич қуршовда қолгандик. Биз кўпчилик эдик, шунинг учун ҳар томондан, кўп саволлар бериларди. Давомий кимдир шаҳид бўлган, кимдир яраланганини эшитардик, биров: "От керак!" - деб бақиради. Ҳамма ниманидир сўрарди, мен эса нима ҳам қила олардим?! Аҳволимиз оғир эди.

Бу қишлоқда 100 та ярадорни қолдирдик, 50 та мужоҳид тўқнашувларда шаҳид бўлишди.

Қуршовдан чиқиш учун, биродарлардан Абу Зар Тоифий ва Абу Умарни чақириб бирон йўл топишларини сўрадим. Бундан аввал сўқмоқ йўлларнинг разведкасига чиқарилган гуруҳ, қорли бўрон сабабли қайтиб келишганди.

Қуршовдан чиқишига Аллоҳдан умид қилиб, харитани кўра бошладим. Аммо биродаримиз Абу Умар адашиб қолибди, қолганлар ҳам олдингилар каби қорли бўрон сабабли қайтиб келишди. Мен Абу Зар, Ислам Шишаний ва яна учта чечен мужоҳидидан, йўлга чиқишларини сўрадим.

Бизга улардан хабар келди, алҳамдуиллаҳ, ҳаммаси жойида, улар бу

минтақадан ўтишиб, водийгача бориб, йўлни кесиб ўтишибди. Мен бу янгиликни дарров Шомилга етказдим, биз тезда шу йўлдан ҳаракатланишини бошладик ва биродарларга айтдик: "Умид қиласизки, ҳеч ким ўз ҳолича ҳаракат қилмайди, биз нима десак шуни бажаринглар. Энди бизнинг ўтирадиган жойимиз йўқ. Руслар бизнинг қаердалигимизни жуда яхши билишади, биз ҳақимизда етарли ахборотга эга. Шунинг учун биз бу ҳудуддан чиқиб кетишимиз керак". Ҳамма бунга рози бўлди, биз ҳаммани муҳобара орқали йиғдик.

Бизни орқамизда гуруҳ бўлиб, улар ўрмонга киришмади, мен уларга бирон кишини жўнатишими айтдим. Доғистонлик энг яхши биродарлардан Раббонийни уларнинг олдига жўнатдим. Мен араб мужоҳидларини жўнатишга қўрқдим, сабаби улар яраланишса, бу бизга катта муаммо бўлади. Шундай қилиб мен Раббонийни жўнатдим, у тоққа чиқиб олиб, шомдан олдин йўл очиқлигини маълум қилди, ва разведкани давом эттириди. Мен барча гуруҳ амирларига чекинишга буйруқ бердим. Ҳамма тартибсиз чекина бошлади.

Ракета ҳужуми бошланди. Улар бизни кассетали бомбалар – қуролнинг энг разил тури – билан бомбардимон қилишни бошлашди. Биздан қанчаси жон берган, қанчаси яраланганини билмасдик.

Биз ярим тунгача аввал чиқсан йўлимизда давом этдик. Мужоҳидларнинг тизими сўқмоқ йўлларни тўлдирган эди. Мен ерда ётган тўртта мужоҳидни топдим, уларни кўмдик.

Шомил қелиб, айтди: "Энди нима қиласиз?" Мен айтдим: "Биз бу тумандан бошқасига кетамиз". Тонг отганда бир гуруҳ янги жойда эди, бошқаси Шомил билан қолганди. Шу куни одамларни йиғиб, Шомилнинг гуруҳи билан уларни бир гурухга бирлаштиридик. Биз дарага тушдик, Аллоҳга қасамки, бу минтақадаги йўлларда юришнинг қийинлигидан нафақат уй ҳайвони балки тоғ эчкилари ҳам ўта олмасди. Бизнинг 25 та отимиз бор эди, улардан 20 таси ўлди, 4 тасини едик, битта менда қолган отгина бу жойдан ўта олди. Ўқдори ортилган юқ билан у ҳам лойга ботиб, охири ўлди. Биз уни тортиб чиқара олмадик, у ҳамманинг кўз ўнгидаги жон берди.

Алҳамдуиллаҳ, бу дарадан охири чиқиб кетдик. Бизга олдинда руслар жойлашганлиги ҳақида янги хабар етиб келди. Карвонга йўл очиш учун ҳужумга тезда гуруҳларни йиға бошладик. Разведкадан сўнг аниқ бўлди, десантлари яксон қилинганидан сўнг руслар бу ерни ташлаб кетишибди, алҳамдуиллаҳ. Аллоҳ уларнинг юракларига қўрқув солди. Тепаликларда жойлашган рус гуруҳлари бизнинг келишимиздан бир кун олдин, бу ердан кетишибди. Биз Тевзан қишлоғига кириб борганимизда қай аҳволдалигимиз, ягона Аллоҳга аён.

Аллоҳга қасамки, мужоҳидларни аҳволини кўриб, аёллар ва болалар йиғлашди. Кўпчилик юра олмасди, кўтариб олиб бордик. Шайх Абу Умарни биродарлар елкасида кўтариб боришганини эслайман. Қолган биродарлар қаттиқ касал эди. Уларнинг оёқлари шишиб кетган, кўпчилик ботқоққа ботиб оёқ кийимини йўқотганди, улар икки кунча музда яланг оёқда юришди.

Оёқлар шу даражада шишгандики, улар янги оёқ кийим кийиш ҳолатида эмасди.

Қишлоқда тунги соат 2-00 да ўқдориларни тайёрладик, асосий кўчага мужоҳидларни йиғиб, уларни чиқара бошладик. Тасаввур қилинг 100, 200, 300 тадан иборат гуруҳлар. Уларни йиғиши учун менга бир неча соат керак бўлди, бу вактда руслар билан бизнинг ўртамиздаги масофа 200 метр келарди. Тонг отганда биз йўлни кесиб ўтмасликка қарор қилдик, чунки биродарлар разведка қилишиб, кундузи йўлни кесиб ўтишнинг иложи йўқлигини айтишди. Яна қишлоққа қайтишга тўғри келди. Қишлоқдагилар бизни деб, қаттиқ қўркувда қолишли. Руслар мужоҳидларга қарашарди, мужоҳидлар русларга қарашарди, фақат Аллоҳ билади вазият қандай таранглигини.

Руслар аскарлари билан тұла юқ уловлари қишлоқнинг ёнидан ўтиб кетди, лекин Аллоҳга ҳамд бўлсин ҳеч нарса бўлмади. Биз қишлоқда ярим кечасигача қолдик.

Одамлар бизга: "Ёки биз қишлоқдан чиқиб кетамиз, сизлар қоласизлар, ёки сизлар чиқиб кетасизлар аёллар ва болалар ўз уйларида қолишади" - деб мурожаат қилишди. Улар айтган гап, ҳақиқий ҳолатни акс эттиради.

Мен улардан мужоҳидлар кийиниб-нетиб олишлари учун бир кун сўрагандим.

Аллоҳга қасамки, биз эски пайпоқ ва оёқ кийимларни йиғдик. Аёллар сут ва емиш олиб келишганда, очликнинг зўридан одамлар жанжаллашиб кетишиди.

Мужоҳидлар ташландиқ уйларда исиниш учун ўт ёкишни бошлишди. Одамлар бу жанжалдан ҳайрон, биродарлардан бири тасвирга олган экан, мендан сўради: "Нимага овқат тарқатилаётган пайтда тартиб йўқ?". Мен жавоб бердим: "Қуршовдаги аниқ ўлимдан халос қилган Аллоҳга шукр қил, ҳозир бу нарсалар билан шуғулланиш вақти эмас". Кимdir келиб, кўрпа ва оёқ кийим сўради, мен жавоб бердим: "Биродарлар, агар бу нарсалар бизда бўлганда, уларни сизлардан яширгаган бўлардик", биз бир-биримиз билан қўпол гапларни алмаша бошладик. Кейин улар кечирим сўрашди, баракаллоҳу фийхим.

Биз иккинчи сафарга отландик ва одамларга айтдик: "Деярли қуршовдан чиқиб кетдик, аммо ҳали ҳам хавф бор, биз Аллоҳдан ёрдам сўраймиз".

Баъзи мужоҳидлар қишлоқда қолишди, уларнинг орасида шайх Абу Умар ва иккита амир – Абу Жиҳод ва Абу Зар Шишаний ҳамда улар билан 30-40 та одам бор эди. 100 та бошқа мужоҳидларни қишлоқ бўйлаб тарқатиб юбордик.

Биз кечаси юришда давом этдик, руслар эса биздан олдинда 200 метр масофада эди. Биз уларнинг пастида турган ўрмонга қараб кириб кетдик, уларнинг постлари бизни тепамизда эди. Биз уларнинг олдидан ўтаётганимизда дуо қилиб ўтдик. Алҳамдуиллаҳ, Аллоҳ уларни кўр қилди, уларнинг олдидан ўтиб, қуюқ ўрмонзорга кириб кетдик.

Шундан сўнг биз машвара мажлиси ўтказдик ва сафни икки гурухга бўлдик. Салкам 200 тacha мужоҳид очиқ йўлдан қишлоққа кириб кетишиди, иккинчи гурух биз билан йўлда давом этди, бизнинг сонимиз 700-800 тacha эди. Сўқмоқ йўлдан Ведено тарафга йўл оларканмиз, бизни ҳали олдинда нималар кутаётганини билмасдик. Бизнинг разведкамиз карvonдан олдинда кетарди, Аллоҳга ҳамд бўлсин, йўлни биладиган биродар бор эди. Биз Ведено қишлоғига яқин жойда жойлашган Ца-Ведено қишлоғигача бордик ва ўша жойда тўхтадик.

Бизнинг муаммоларимиз кўп эди. Кўп касал мужоҳидлар йўлда жон беришди. Уларга емиш тайёрлаб, кўчада нон тарқатдик, кимгадир етди, кимгадир йўқ. Бу тунда эди, кундузи биз яширинишимизга тўғри келарди. Иккинчи кун биз яна йўлга тушдик ва нисбатан тинчроқ жойга етиб олдик, баъзи биродарлар тракторларга боғланган чаналарда етиб келишди. Кун охирида биз хавфсиз жойга етиб келдик, алҳамдуиллаҳ.

Бу русларнинг катта мағлубияти бўлди. Улар мужоҳидларни йўқ қилиб, урушга нуқта қўйилганини эълон қилишни исташганди. Биз бу ҳудудларга келишимизни, тоғларда, русларга қарши янги урушни бошланиши деб ҳисобладик.

Шатойдан чиқишини тарихи шундай бўлганди.

9-қисм: Черики (партизан) жангларига ўтиш

Биз тайёргарликни бошладик – оёқ кийим ва спорт кийимлари сотиб ола бошладик, ҳарбий кийим сотиб олгани имкониятимиз йўқ эди. Биродарлар озгина дам олишди, аммо руслар янги ҳужум ва қуршов билан бизни ҳайрон қолдиришди.

Бизнинг гурухларимиз ўрмонда қолишли. Аммо Аллоҳ, русларнинг 35 кишидан иборат “ОМОН” махсус аскарларининг ўрмонга киришини ва бутунлай яксон қилинишини ирова қилган экан. Бу руслар учун катта зарба бўлди. Битта “ОМОН” жангчиси 10–20 та оддий жангчига teng. Улар яхши тайёргарлик кўришган, давлат ҳам уларни тайёрлаш учун кўп ҳаражат сарфлаган. Уларнинг ҳаммасининг йўқ қилиниши, уларни бутунлай эсанкиратиб қўйди. Улар тоғлардаги амалиётларини тўхтатиб, чекинишни бошладилар, аммо тез орада яна ҳужумга ўтишли.

Мен биродарларни шундай тақсимлаб чиқдим: Абу Жаъфар ўзини гуруҳи билан битта жойда, Яъқуб Залмай ўзининг гуруҳи билан бошқа жойда. Руслар 7000 та аскар ва 700 та машина билан келиб, туманни ўраб олишди. Бу туманда биз ҳарбий карвонга ҳужум қилдик, Абул-Валид ва Абу Жаъфар ёрдамга келганларни ўққа тутишли.

Вазият ўзгариб, руслар уруш ҳали-бери тугамаганлигини эълон қилишли. Улар 60 та десант, кейин яна 15 та аскарини йўқотишли. У пайтда бу катта амалиёт ҳисобланарди.

Аста-секин вазият ўнглана бошлади, одамлар хавфли амалиётлар ўтказишни бошлаши: кимдир машинани минага туширди, яна бири фугасда юқ машинасини портлатди. Уруш тўхташнинг ўрнига авж ола бошлади, ҳатто Ингушетияда ҳам амалиётлар ўтказила бошланди. Русия урушнинг бошқа республикаларга тарқалиб кетишидан хавфга туша бошлади, буни уларни ўзларидан кўп эшийтдик.

Биринчи ва иккинчи уруш орасидаги катта фарқ

Биринчи урушда руслар даб-дурустдан кириб келишган ва тайёргарлиги йўқ эди. Полиция ва ички қўшинлардан кучлар кам бўлиб, асосий кучлар армиядан олинганди. Улар аввал қишлоқлардаги қароргоҳларда жойлашишганди. Ҳозир улар ҳамма жойда бор, мужоҳидларнинг уйларига ҳужум қилишади ва ким билан жанг қилишаётганини жуда яхши билишади. Улар чечен милициясини кучайтириб ва халқни қўрқитиб муваффакиятларга эришишли.

У ер бу ерда бўладиган кичик тўқнашувлар, бу муаммони ҳал қила олмайди.

Шундан кейин мен шаҳар ва қишлоқларга бордим ва хулоса қилдимки, вазиятни ўзгартириш учун катта дастур керак. Мен гурухларнинг етакчилари билан учрашдим, алҳамдуиллаҳ, улар ҳам менинг фикримга қўшилишли.

Бугун 2000 йилнинг 24 майи, яқинда инshaа Аллоҳ янги дастурни қабул қиласиз. Аллоҳдан жанг кўринишини ўзгартиришини ва тарозининг оғирлиги бизнинг томонда бўлишини сўраймиз.

Иккинчи чечен урушида шундай вазиятлар бўлганди.

Мужоҳид-ансорларга маслаҳатлар

Тўғриси, жиҳод ерларига отланаётган биродарларга манфаат бўлиши учун, Чеченистондан кетган биродарлар, бўлиб ўтган воқеаларни ёзишимизни сўрашганди.

Мен қайтараман:

Қаерда бўлса ҳам жиҳодга ёрдам бермоқчи бўлган биродарлар бу қийинчиликлар ва кўнгилсизликлардан ўтишлари шарт эмас.

Биринчи қадамлар:

- Ҳудудга бориш, нима кераклигини аниқлаш.
- Ягона ташкилотдан учта гурух тузиш.
- Тайёргарлик, разведка ва ахборот йиғиши.

Уларнинг етакчилар билан алоқаси бўлиши керак. Улар маҳаллий аҳолидан ҳеч нарса кутишмасин. Улардан бирор нарса кутиб: "Агар улар ишлашса, унда биз ҳам ишлаймиз"— деб гапириб юришмасин. Сен келдингми, дарҳол биринчи кунданоқ ишни бошли. Ёрдамга келганлар ана ўшанда баҳоланади.

Сен тайёр ҳолдаги мужоҳид бўлишинг керак. Қурол билан танишиш учун ҳар қандай йўлни изла, шунингдек топография ва алоқани ҳам билиш керак. Армия учун кўп билим керак эмас, фақат душман қайси томондалигини билиш керак. Шунинг учун ёрдамга келган мужоҳидлар тайёргарлиги йўқ, заиф. Жиҳодга ёрдамга келган биродарлар Аллоҳдан кўрқишилари керак.

Кўпчилик жиҳодга чиқадиган йўлни сўради. Биз савол бердик: "Сенинг тайёргарлигинг борми, таълим олдингми, ҳарбий машғулот ўтадингми?" У жавоб беради: "Йўқ мен жабҳаларда, иш давомида ўрганаман, тайёргарлик қилишим шарт эмас". Ҳамма бирдан ҳужум қилишни ва ёнгил қуролни хоҳлайди. Аллоҳдан кўрқинглар! Биз даъватни етказиш ва мақсадга эришиш учун, тайёргарлик кўрган бўлишимиз керак. Бири келади, иккинчиси 1 ойдан кейин кетади. Бу маҳаллий аҳолининг биз тўғримиздаги фикрини ўзgartиради.

Шунингдек ички келишмовчиликларга аралашмаслик керак. Зарурат бўлгандагина, сиз билан келишмай қолганларга шу тарзда жавоб беринг. Лекин ҳеч қачон битта гуруҳни, бошқаларга қарши қўллаб-кувватламанг. Кўпчилик шу каби муаммолар билан бизни машғул қилишга ҳаракат қилиб кўришди, аммо Аллоҳнинг ёрдами билан биз бу йўлни кесиб ўтдик.

Беҳуда муҳокама ва тортишувларни тарқ қилиш керак, айниқса қариялар ва одамларнинг пешволари билан. Улар билан тортишманг, улар барибир ҳеч нарсани тушунишмайди. Ёшларга ётиборни қаратиш керак, улар даъватга ва таълимга муҳтоҷ, биз айнан улар учун дастур тузишимиз керак.

Ҳарбий амалиётлар билан одамларга ёрдамга келганимизда Аллоҳ бизга раҳматини ва баракотини берди, Аллоҳ душманнинг оёғи остидан тупроқни сурди, айниқса одамларни алдаб юрган сўфий ва тариқат муллаларини. Улар ёрдамга келган мужоҳидларга қарши чиқишганда, одамлар айтишди: "Сизлар нима қилдингизлар? Жанг пайтида қаерда эдингизлар? Мужоҳидлар карвонга ҳужум қилганда, қаерда юргандингизлар?" — шундай саволлар билан мунофиқ ва сўфийларнинг оғзини ёпишди. Биз халқнинг орасида, айниқса ёшлар, шунингдек оддий одамлар орсида ишончга эришдик.

Эсимда, суфийлар Шомил ва бошқалардан биз ҳақимизда сўрашганда, улар шундай дейишганди:

- Сизлар бу арабларни қишлоқларда кўрганмисизлар?
- Йўқ — деб жавоб беришди.
- Уларнинг йўлларга постлар ўрнатганини кўрдингизларми?
- Йўқ.
- Уларни бирон нарсага аралашганини кўрдингизларми?
- Йўқ.

— Унда бу одамлардан нима истайсизлар? Бу одамлар жиҳодга ёрдам бериш учун келишган, истаган пайтида кетишади, ёки сизлар бизни уларга нисбатан адолатсизлик қилишимизни хоҳлайсизларми? Бу ноҳақлик!

Биз ҳеч кимдан бизни ҳимоя қилишларини сўрамагандик. Биз муҳокамалардан ўзимизни узоқ тутдик, тортишувларга аралашмадик. Биз даъват соҳасида маълум дастурни қўйдик ва ўзимиз ҳам унга риоя қилдик, алҳамдулилаҳ. Аллоҳга қасамки, бизнинг юзлаб талабаларимиз бор эди. Агар имкониятимиз бўлганда Қуръонни ўргатиш учун кўпроқ олийгоҳ ва мадрасалар очган бўлардик, муаммо одамларнинг сонида эмас, бизнинг имкониятларимизда эди.

"Кавказ" олийгоҳида кўп дала қўмондонлари таълим олишган, уларнинг орасида биродаримиз Шомил ҳам бор. У барча шўро аъзолари билан биргаликда ўқув курсини ўтаган. Алҳамдуиллаҳ, бизнинг бутун Кавказдаги гуруҳлар билан муносабатимиз яхши эди. Бошқа чечен дала қўмондонларига нисбатан Шомил билан яқинроқ эдик. Биз одамларнинг табиатини тушуна бошладик, улар қандай ўйлашади, биз ким билан иш қилияпмиз, нима қилишимиз керак. Алҳамдуиллаҳ, бу жиҳодда Кавказнинг кўп халқлари иштирок этишди; карачайлар, ингушлар, кабардинлар, доғистонликлар, шунингдек ёрдамга келганлардан; араблар, турклар ва бошқалар. Бу биринчи урушнинг бутунлай акси бўлиб, аввал уларнинг сони кўп эмас эди.

Қийинчиликларга қарамасдан, биз ишлашимиз зарур. Бу ёрдам кўрсатишнинг энг тўғри усули. Биз кўп мисоллар, воқеаларни айтишимиз мумкин, менимча умумий ғояни тушунтириш учун шулар кифоя қиласди.

Тайёргарликсиз, режасиз, таваккалига келган одамлар фойدادан кўра, кўпроқ заарар етказишади. Қарабисизларки, одамлар ансор (ёрдамчи)ларни қабул қилгиси келмайди, чунки ўйламай қилинган ҳатти-ҳаракатлар катта муаммоларни келтириб чиқаради. Агар тартиб ва ташкиллаштириш бўлса, аксинча одамларда ишонч уйғонади. Ҳаттоки янги жанг бўлса ҳам кўрасизлар, одамлар уларни таклиф қилиб, жиҳодга ёрдам олишни исташади.

Хайрия ташкилотларининг ҳатти-ҳаракатлари ҳам ёмон оқибатларга олиб келди. Уларнинг орасида фойда келтирадиган, заарар келтирадиган, шунингдек маълум давлатлар учун разведкага ишлайдиганлари бўлади. Улар одамларга муайян мақсад билан ёрдам қилишади, мусулмонларни бўлиб ташлаш мақсадида маълум етакчиларни кўллашиб, ҳарбий ҳаракатларда ҳам иштирок этишади. Улар бирор бир фаол ҳаракатларда ёки урушда бирлашишмаган. Улар бир томонни бошқаларга қараганда кўпроқ кўллашади ва ўзларига қулай қилиб одамларни бўлишади. Уларни деб мусулмон диёрларида одамлар тарқалиб кетди, ҳар ким ўзи учун ўзи. Одамлар бир-бири билан урушишни бошлашди. Улар мусулмонлар ва мужоҳидларнинг мақсадларига эришишларига тўсиқ бўлиб, режалаштирилган лойиҳаларини олиб боришади.

Биродарлар бундай одамлардан эҳтиёт бўлишлари керак. Мусулмонлар ёрдам кўрсатиш ва кўмақда Аллоҳдан қўрқишилари керак, акс ҳолда улар одамларнинг ишончини йўқотади. Пул тарқатиб, одамларни ишончини қозона олмайсан, одамлар ансорларга пулни деб ишонишмади. Ишонч — одамларга адолат билан муносабатда бўлсанг, бирга жангда иштирок этсанг, яшасанг, ана ўшанда шаклланади. Шайх Абдуллоҳ Аззомни сўзларини эслайман: "Ўзларингизнинг мақсадларингиз йўлида афғонлардан фойдаланманглар".

Турли давлатлардан кўп одамлар келишди, ҳар кимнинг ўз ташкилоти, партияси, ғояси бор. Араб Ярим Оролидан келган ёшларнинг эса бу ҳақда ҳеч қандай тасаввuri ҳам йўқ эди. Биз Афғонистонга фақат шаҳодат излаб келгандик. Бизни "икки хафталик қатлам" дейишарди, бу аввал лагер, кейин жабха, кейин шаҳодат дегани эди. Биз бу ишлардан хабарсиз, гўёки оқ саҳифадек топ-тоза эдик. Саҳна эса турли ташкилотлар, ғоялар билан безалган, ҳаттоки 10 йил олийгоҳда ўқиганлар ҳам бунинг тагига етолмасди.

Имкониятдан фойдаланиб, одамлар маълум ғоялар асосида ўз ташкилоти аъзоларини тайёргарликдан ўтказиш учун келишганди. Охирги кунларда, улар ҳарбий жиҳатдан ҳеч қандай фойда келтиришмади. Улар Пешоварда ўтиришиб, бўлаётган воқеалар билан қизиқишмасди. Заиф мусулмонларнинг қароргоҳи бўлган, бутун бир ҳудудни қўлга олиш имконияти бўлганда, улар ҳеч нарса қилишмади. Охирги кунларда ҳолат оғир эди, аммо бу одамларни афғонлар қизиқтирмасди, шунинг учун ҳам афғонлар уларга шу тарзда жавоб қайтаришди, шундай қилиб уруш тугади, лекин биз керакли натижаларга эриша олмадик.

Шахсан мен Аллоҳнинг ёрдамидан сўнг, афғонлардан олган ёрдамимизни унутмайман, улар бизга таълим беришди, жангда қатнашиш учун имконият беришди. Шунинг учун ҳам афғонларни яхши кўраман, уларни ҳурмат қиласман, доим у ерга қайтишни, улар билан боғлиқ бўлишни хоҳлайман. Бу халқнинг ғурури бор, ўзини ҳурмат қиласди. Биз ислом умматига жиҳодни қайтаришни орзу қилиб турган пайтимиизда, улар бутун бошли СССРга қарши жанг қилишди. Дунёдаги энг фақир миллат бўлмиш афғонлар шўравийларни 10 йилда яксон қилди. Ҳозир эса

Чеченистон – дунёдаги энг кичкина миллат – Русиянинг юрагида унга қарши жанг қиляпти. Бу Аллоҳнинг мўъжизаси. Аллоҳга қасамки, агар биз бу урушда иштирок этмаганимизда бунга ишонмаган бўлардик. Бу умматни уйғотиш учун — Аллоҳнинг мўъжизаси.

Одамларга яшил белги берилсагина, шундан кейин урушни тан олишади, бўлмаса ҳеч ким ҳеч нарсани кўрмайди. Масалан Тожикистондаги урушга ҳеч ким эътибор қилмаган, чунки яшил белги берилмаганди. Биринчи чечен урушида ҳам шундай ҳолат бўлди, бутун мусулмон дунёси эътиборсиз қолдирди, ҳаттоқи партия ва ташкилотлар ҳам. Жанг пайтида биз русларнинг батамом ғалабасини кутгандик, Аллоҳ аксини иродга қилди.

Шунингдек Босния ва Герцеговинадаги жанглар ҳам унутилди, қачонки яшил белги берилмагунча, кўпчиллик у ерга бормади.

Иккинчи чечен уруши — бу гал бошқача, мусулмонлар биринчи бўлиб ҳужум қилишди. Одамлар ҳам урушга энди бошқача кўз билан қарай бошлиашди. У катта резонансга эга бўлиб, биз кўришга ўрганиб қолгандан фарқли, уммат яна жойидан қўзғалди. Биз такбир айтиб, ғурурланиш ўрнига, одамлар кўриб йиғлайдиган, руҳиятни чўқтирадиган, қатлиомни кўришга ўрганганимиз.

10-қисм: Амир Хаттоб ким?

Биродарингиз Араб Ярим Ороли шимоли (Саудия Арабистони)да туғилган.

Мактабни тугатганимдан сўнг коллежга кирмоқчи бўлдим, аммо бунинг ўрнига 1988 йил Афғонистонга бордим. Жажи ғазотидан сўнг Афғонистонда қолдим. Аллоҳдан ниятларимизни холис қилишини ва бу жангларни қабул қилишини сўрайман. Мен Афғонистон жиходида, тожик жиходида иштирок этдим, ҳозир эса Чеченистондаман.

Афғонистонда мен биродаримиз Абу Айуб Ироқий билан артиллерия бригадасининг қўмондони эдим. Биз кўп амалиётлар режалаштирганимиз, унда кўп биродарлар иштирок этишган.

Тожикистонда биродаримиз Абдус-Сомад билан жабҳада қўмондонлик килдик, биз бевосита қўмондон Абдуллоҳ Нурий билан боғлиқ эдик.

Чеченистонда, машҳур "Доғистон амалиётига"ча, марказий жабҳада Шомил билан етакчилик қилдик, шунингдек жангда иштирок этаётган қаршилик кучлари ислом жангчиларининг ва тоғли туманларнинг дала қўмондони эдим.

Алҳамдуиллаҳ, биз ҳозир ҳамма иштирок этадиган дастур тайёрлайпмиз. Одамлар бизнинг қилаётган ишларимизга ишонишади. Биз Кавказдаги биродарлар, дала қўмондонлари, оддий одамлар орасида ишончга эга бўлдик. Аллоҳдан бизнинг ва уларнинг қилган амалларини қабул қилишини сўраймиз.

Биринчи чечен урушидаги амалиётлар

Чеченистондаги биродарлар бизнинг иштирокимизни сўрашди, биз ҳам иккиланмасдан барча қўмондонлар билан иштирок этдик, шунинг учун барча қўмондонлар билан муносабатимиз яхши. Биз Шомил, Ҳамзат Гелаев ва Салмон Радуевлар билан амалиётларда иштирок этдик. Бизнинг ўзимизнинг дастуримиз бўлиб, у жуда яхши таъсир кўрсатди. У Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога ишончдан сўнг, бир-биримизга ишонч берди. Биз жангнинг курсини ўзгартириш учун нимадир қила олишимиз мумкинлигига ишона бошладик, аввал бирон нарсанинг амалга ошишига ишонмасдик.

Энг яхши амалиётлардан бири 1995 йил октябрида Харачоедаги карвонга қилинган амалиёт бўлиб, кейин Сержен-юртда яна бир ҳарбий карвон яксон қилинди. Икки хафтадан кейин Яриш-Мардада амалиёт ўтказилди. Бу амалиёт русларни саросимага туширди. Ҳаттоқи бу Русиянинг энг фожиали ҳодисаси деб расман тан олишиб, мотам эълон қилишди. Бир ойдан сўнг биз карвонга

пистирма күя олмадик, аммо алхамдуллилах, душман авиациясини артиллериядан яхшилаб ўқقا тутдик, аскарларини асир олдик, базаларини құлға киритиб, күп ғаниматларни құлға киритдик. Кейин Грозний ва Аргунда амалиётлар бўлди, бунда биз ҳам иштирок этдик.

Суиқасд

Иккинчи чечен уруши бошларида бизга суиқасд уюштирилди. Уйни, ётоқхонанинг ёнини портлатиши. Аммо алхамдулиллах, портлаш кучли бўлишига қарамасдан, ҳеч ким шикастланмади.

Буйнакск амалиёти

Бу амалиёт уруш тугагандан кейин, ярим йилдан сўнг ўтказилди. Биз разведка ўтказиб, қимматли хабар олдик. Билишимизча, Доғистон ва Ингушетияда русларнинг катта ҳарбий бирлашмаси жойлашган экан.

Бу ҳарбий қўшин чечен урушида иштирок этган, уларнинг қўли мусулмонлар қони билан булғанган. Биз 100 та одамни саралаб амалиётга киришдик. Бизнинг мақсадимиз "Т-72" русумли 60 та танқ, шунингдек охирги моделдаги "Т-80" русумли танклар, салкам 100та ҳарбий машиналарни ғанимат қилиш эди. У ерда 300 та ҳарбий машина бўлиб, улар 18 та ангарга жойланганди.

Биз уларни штурм қилиб, икки-уч дақиқада назоратга олдик. Дарров қўриқчиларга ҳужум қилиб, лагерга кириб келдик ва танкларни юргизмоқчи бўлдик. Разведка бўйича биз яхши тайёргарлик кўргандик, лекин афсуски зарур ахборот яхшилаб йиғилмаганди. Унча қийин бўлмаса ҳам, офицерлардан ахборот олишга тўғри келди. Бунчалик узоқ масофадан разведка ўтказиш, мантиққа тўғри келмасди. Биз узоқдан ахборот олдик ва шунга мувофиқ тайёргарлик қилгандик. Бунақангидан амалиётлар учун аниқ ахборот керак.

Биз танкларга калит ясадик, ва имкониятимиз борича ҳаракат қилдик, аммо танкларнинг ёқилғиси йўқ бўлишини кутмагандик, уларнинг аккумуляторлари ҳам ўтириб қолган, уларни юргизиш учун бир кун керак бўлади. Бунинг устига Ҳаким Маданий роҳимаҳуллоҳ ҳужум пайтида ҳамма ёқилғини ёқиб юборди, ваҳимага тушган аскарлар ҳам тумтарақай бўлиши. Бизни асосий мақсадимиз, танкларни миниб, бутун ҳарбийлар шаҳарчасини назоратга олиш, 5000та аскарни худди қўй сингари Чеченистанга ҳайдаб кетиш эди, бу режани амалга ошириш учун ҳамма нарса етарли эди. Лекин танклар юришга яроқли бўлмаганлиги учун, уларни ёқиб ташладик, 60 та ҳарбий машинани яксон қилдик, қолганларига вақт етмади.

Биз мужоҳидларни 15 дақиқада йиғиб, чекиндик. Руслар бизни қуршаб олиш учун карвон жўннатишган эди. Улар кўп ўтмай бизнинг қуршовдалигимизни, энди ҳаммаси тамомлигини эълон қилишибди. Ўртамизда шафқатсиз жанг бошланди, биз иккита машинани ўқса туттиб, улардан уч кишини ўлдиридик. Биздан учта мужоҳид ҳалок бўлди, Аллоҳ шаҳодатини қабул қилсин. Улардан энг таниқлиси Абу Бақр Ақида роҳимаҳуллоҳ эди.

Амалиёт якунланди, руслар мағлуб бўлди. Одамлар бизни қўллаб-қувватлашди, тинч аҳоли орасида шикастланганлар бўлмади.

Жосусларнинг фош қилиниши

Ўзбеклар ва татарлардан бир неча жосуслар аниқланди. Улар мусулмон бўлганлиги учун, лагерга кириш қийинчиллик туғдирмаган. Лагерда ўзбеклар ва татарлар кўп бўлиб, айғоқчилар ўзларининг ватандошлари томонидан аниқланди. Аввалига биттасини тутдик, кейин у иккинчисини айтди, у эса учинчисини айтди. Кейин татарлардан топилди. Биз жами 37 та жосусни тутдик, уларнинг вазифаси маълум одамларни ўлдириш эди. Бу Россия бизга ҳужум қилмасдан олдин урушни бошлашга етарли сабаб ҳисобланади.

Аргун амалиёти

Руслар Грознийни қамал қилишгандан кейин, мужоҳидларга жабҳаларда кучли зарбалар берилди. Биз ҳамма шаҳарларда разведка ўтказдик: Аргун, Гудермес, Шали. Қароргоҳда мужоҳидларни шу шаҳарларда ҳарбий амалиёт ўтказишга тайёрладик. Рус ҳарбийлари қўшини карвони давомий ҳаракат қиласади. Мен ҳар бир гуруҳнинг амирига тезкор амалиётлар учун 25 та одамни тайёрлаб қўйишларини айтдим. Мен мужоҳидларнинг Грознийдан чиқишиларини истагандим, аммо улар мени белгимни тушунишмади, Шомилга учрашамиз дедим, у ҳам тушунмади. Мен уларни тоққа кўтарилишларини истагандим.

Биз Яъқуб, Абу Валид, Абу Жаъфар, Абу Умарнинг гуруҳларини, шунингдек Шомил Крек бил гуруҳини ҳам олдик. У Догистоннинг энг жасур мужоҳидларидан бўлиб, менга яқин ва суюмли эди. У Дуба-юрт жабҳасида шаҳид бўлди, кейин уни ўрнини Абул Валид эгаллади. Бизда яна бундан ташқари Исломбек, Жундуллоҳ, Адам (Хаттунидан), Рамзан, Нуриддин ва Абдул Ҳодийларнинг гурухлари бор эди. Биз бу туманга 400 та мужоҳид билан кириб келдик. Биз амалиёт ўтказиладиган томонга қараб юра бошладик, аммо ҳамма қаттиқ чарчаган, эрталаб соат 4 дан 7 гача қорда юришга тўғри келганди. Мўлжалланган манзилга етиб келиб, Аргун билан Гудермесни боғлаб турадиган асосий йўлни назоратга олдик. Бу йўлдан Шали ва Аргундан, Грознийга қараб ҳарбий карвонлар ўтарди.

Иккинчи куни эрталаб 10 та машинадан иборат ҳарбий карвон келди. Биродаримиз Абу Жаъфар уларни ўққа тутди, ҳамма тақбир айтди. Ярим соатдан кейин биз турган жойга 12 та машина келди, уларга биз ҳужум қилдик. Бир соатдан кейин Яъқуб тарафга 4 та машина келди, Яъқуб ва Рамзан уларни яксон қилишди. Икки соатдан кейин, амир Абдус Сомад бошчилигидаги мужоҳидлар “ОМОН” йиғилган жойни ўққа тутишди.魯斯拉р нима қилишни билишмасди, қаерга ҳарбий карвон жўнатишса, улар яксон қилинарди。

Охири улар блокпостлар қўйиш учун кучларини жўната бошлашди, улар ҳам мужоҳидлар томонидан ўққа тутилди. Бу куни биз Аллоҳнинг ёрдами билан 47 та ҳарбий транспорт воситаларини яксон қилдик, улардан юзлаб ўлганлар бор эди.

Грознийда ўтириб олиб, ундан чиқмаганларни Алпоҳ тўғри йўлга хидоят қилсин.

Аргун амалиётида шундай вазият бўлганди, бу энг яхши ва тезкор амалиётлардан бири эди. Бу тезкор амалиёт, русларнинг бу даврдаги бутун режа ва ҳисобларини йўққа чиқарди.

11-қисм: Грознийдан чиқиш

Грознийдан чиқиш жуда машақкатли бўлди, мужоҳидлар сони 3000дан ошиқ, энг катта хато Грознийнинг бош раҳбарияти рухсати билан, ҳамма гурухларнинг бир вақтда йўлга чиқиши бўлди. Бу билан улар русларга мужоҳидлар шаҳардан чиқаётганлиги белгисини беришди, улар ҳам ўз навбатида маҳаллий жойни миналаштиришди.

Грознийдан чиқиши Шомил ва Арби бошқаришди. Улар мужоҳидлар чиқиб кетадиган жойларга қўриқчи гурухлар қўйишди. Улар бундай қилиб, душманнинг эътиборини бу жойга қаратмасликлари керак эди. Руслар мужоҳидлар чиқиб кетадиган йўлни фаҳмлаб, айнан шу жойларни миналаштиришди ва тайёргарлик қилиб кута бошлашди.

Мужоҳидлар чиқиши бошлаши билан миналар портлай бошлади. Шомил минада портлаб жароҳат олди, унинг ноиби Хункарпошша, Грознийнинг бош қўмондони Асламбек минамёт снарядидан ҳалок бўлишди. Мужоҳидларнинг олган ахбороти тўғри эмас эди. Уларнинг олган хабарига кўра йўллар фақат ўтказгичли миналар билан миналаштирилган. Биродаримиз

йўллардаги қорларни олиб, ўтказгични топиб миналарни заарсизлантириди, аммо у ерда босганда портлайдиган миналар ҳам қўйилган экан. Биродарлардан бири минада портлади, унинг ёнидагилар ярадорни олишиб йўлда давом этишди. Ҳаммаси тушунарли, бутун майдон босганда портлайдиган миналар билан тўла. Жароҳатланганларни олиб, йўлда давом этилди. Сон жиҳатидан кўп бўлган катта гурухни тўхтатиш қийин. Шомил йўлида давом этди, унинг гурухидан бир неча одам минада портлаб кетди. Бошқа биродарлар ёрдамга келишганда улар ҳам портлаб кетишли. Шомил мина майдонидан ўтиб, йўлни тозалагани 20-30 та кўнгиллиларни сўради. Ҳамма жим, ҳеч ким жавоб бермади. Шунда Шомил айтди: "Ҳалокатли талофатнинг олдини олиш учун бу жуда ҳам зарур". Барibir ҳеч ким жавоб бермади. У айтди: "Мен сизлар билан бораман". У биринчи гуруҳда 30 та мужоҳид билан бирга эди. Вазият ундан шуни талаб қиласарди. Кўпчилик эътиroz билдириди: "Кўмондон бўла туриб, нимага биринчи кетди" деб, унда бошқа илож йўқ эди.

Шомил минада портлагандан кейин, тартибсизлик бошланди, у одамларни тартибга чақирди. Улар йўлни давом эттиришга мажбур эдилар, тонг отгунча бу ердан чиқиб кетиш керак, акс ҳолда иш бундан баттар бўлади. Жоҳар Дудаевнинг қариндоши Лечи иккита минада портлаб ҳалок бўлди, шундан кейин минани босиб Хункарпошша ҳалок бўлди. Йўллар тозаланиб, Грознийдан чиқсан мужоҳидлар Ермоловка қишлоғига киришли. Руслар қишлоққа артиллериядан зарба беришли. Кейин улар бошқа қишлоққа киришли, кейин учинчисига, тоғли худудларга етиб олгунча шу тариқа давом этди.

Бизга амирлар орасида жароҳатланганлар ва ҳалок бўлганлар бор, деган хабар келди. Бу ҳолат ёрдамга трактор ва юк машиналарини жўнатишимизни талаб қиласарди. Хаттобнинг 40 та юк машина ва тракторларда ўқ-дори, озиқ-овқат билан келаётганини эшитган мужоҳидларнинг кайфияти кўтарилиб кетди. Бу хабардан руҳланиб кетган кўп биродарлар улар билан учрашмаганимизча юришдан тўхтамаймиз дейишиди.

Бу вақтда мен юк машиналарини йиғиб, улар тарафга йўл олдим, йўллар қорли, юриш қийин, биз 100 та мужоҳид эдик. Мен Шомилдан:

- Сизларга ёрдам керакми? - деб сўрадим.
- Биз кўпчиликмиз, ҳеч нарса керак эмас, қурол ва ўқ-дориларимиз етарли деб жавоб берди. Кейинроқ яна сўрадим, бу гал:
- Вазият оғир ёрдам беринглар дейишиди.

Мен 250 та мужоҳидни йиғдим, қурол ва ўқ-дориларни тайёрлаб йўлга чиқдик. Машиналар қорда тиқилиб, юролмай қолди, тракторларга боғланган чаналарни ҳам тайёрлагандик. Ярим йўлга етганда тракторлар ҳам ботқоққа ботиб қолди, биз йўлда давом этдик. Аллоҳнинг душманлари бизга пистирма тайёрлаб қўйган экан, йўлда учта мужоҳид бизга қўшилиб сафнинг олдида кетаётган эди, улар пистирмага тушиб қолишли. Уларни отиб ташлашгандан сўнг, руслар қочиб кетишли. Эртасига биз бу жойга келиб, ўқ гилзали, қон излари, машина изларини кўриб, бизни пистирма кутганлигини тушундик. Биз йўлни ўзгартириб, ўрмоннинг орасидан олиб ўтадиган йўл томонга ҳаракат қила бошладик. Кесиб ўтмоқчи бўлиб турганимизда, бомбардимон бошланди, 7 киши ҳалок бўлди, 15 киши яраланди, чекинишига мажбур бўлдик. Шомил ва биродарлар бор қишлоққа яқинлашганимизда, бошланган йўналишни якунлаш учун Рамзани жўнатдим, ўзим қолган биродарлар билан кетдим.

Кечга бориб биз ва русларнинг ўртасида жанг бошланди. Биз танк ва бир неча машиналарга ҳужум қилдик, биздан ярадорлар ва ҳалок бўлганлар бор эди. Дастрлабки ҳолатимизга қайтишимиз қийин бўлди. Шомил ва биродарлар бизга ярим кечаси келиб қўшилиши. Ҳамма оч, совуққа чида бўлмасди, емиш етарли миқдорда олинмаганлиги сабабли, икки кун овқатланмадик. Шомил эрталаб келиб айтди, улар ҳам русларга дуч келишибди. Кейин биз яна 4 кун юрдик. бизда ҳеч қандай емиш йўқ, йўлда сув ичиб, қор едик. Бу жуда машаққатли сафар эди.

Мужоҳидлар кўтариб кетаётган, яралangan Шомилни кўриб йиғладим, у эса аксинча яхши кайфиятда эди, кулиб деди: "Руслар менга совға қилиши. Иншааллоҳ яна мина майдонидан ўтиш керак бўлса, бу сафар мужоҳидларга йўлни очиш осон бўлади". Мен унинг аҳволидан қаттиқ сиқилдим, елкамда кўтариб кетаётганимда ҳам ҳазиллашиб: "Биламан мен яраланганим учун кўтариб кетяпсан, лекин билиб қўй, сен яралансанг мен кўтармайман" – деди ҳазиллашиб.

Алхамдулиллах, биз Шатойга етгунча юрдик, у ерда бизни Яъқуб ва Абул Валидлар озиқ-овқат тайёрлаб кутиб туришганди. Улар мужоҳидларни кутиб олишди ва биз жабҳадаги ўрнимизни өгалладик.

Грознийдан чиқишида мана шундай вазият бўлганди.

Шатой ғоридаги воқеалар

Шатойнинг бир ғорида 27 та мужоҳид бор эди, 7 та ёки 8 таси ташқарига чиққан, 17 таси ичкарида бўлган, улар ҳаммаси жароҳатланганлар эди. Бу ерларга рус қўшини келиб, уларга дуч келган ва ҳаммасини отиб ташлаган. Уларнинг кўпчилиги ёрдамга келган ансор биродарлар эди. Ғорда хорижий мужоҳидлардан Абу Ҳамза Жазоирий, Абу Ҳамза Яманий, Маъсуд Британий, Абу Мусаб Туркий, Икрима Сурий ва Ясин Боснийлар бор эди. Аллоҳдан уларнинг шаҳодатини қабул қилишини сўраймиз.

Кароматлар

Биродарларнинг қамал қилинган Грознийдан, қуршовга олинган Шатойдан чиқиб кетишлари буюк Аллоҳнинг каромати ва катта ҳадяси эди.

Қуршовдалигимизда мен ҳар дақиқада душманга ғалаба бермагин деб,

Аллоҳга ёлбордим. Аллоҳим душманим қувонмасин, шаҳодатни бошқа жойда бергин деб сўрадим. Бир шаҳиддан мушкни ҳидлаганимни эслайман, буни бошқа биродарлар ҳам ҳидлашди.

Шатойдан чиқаётган иккинчи гурухни Ҳамзат Гелаев, Рамзан, Арби ва
Довудлар бошқаришди. Улар Шатойдан Урус-Мартан томонга юришди.

Мужоҳидлар Урус-Мартан яқинидаги тоғ олди ҳудудигача келишди. Рамзан ва Арби бошчилигидаги 20 та киши, разведка учун йўлга чиқишли. Улар қийинчиликсиз Саади-котар қишлоғига кириб келишди. Улардан кейин, шу йўл билан иккинчи гуруҳ йўлга тушди. Аммо уларга тўсатдан ўқ узиша бошлашди. Улар дарё бўйлаб бир ярим соат юришди. Кейинги 100-200 та мужоҳидлар гуруҳи рухсатсиз, ўз ҳолича йўлга чиқишли, уларга ҳам ўқ узиша бошлашди, уч киши ҳалок бўлди, кўпчилик жароҳатланди, улар ҳам ўз навбатида русларга қараб ўқ уза бошлашди.

Руслар бу йўлдан мужоҳидлар кетаётганини билиб, бутун кучларини ва гуруҳларини шу тарафга йиға бошлашди, биринчи гуруҳдан кейин йўлга тушган гуруҳ пистирмага ва русларнинг миналарига тушиб қолишли. Уртада қаттиқ жанг бошланди, Аллоҳнинг душманлари катта талофат кўрди, аммо биздан ҳам ўлдирилган ва яраланганлар кўп эди.

Саади-котар қишлоғи, очиқ тоғ олди ҳудуди бўлиб, мужоҳидларни ҳамма томондан ўраб олиши. Қишлоқда 200 та мужоҳид бор эди, қолганлар тумандан чиқиб кетишли.

Саади-котар ғазотида (уни Комсомолское ҳам дейишади) жуда кўп жароҳатланганлар бўлди, мужоҳидлардан камида 240 таси шаҳид қилинди. Бу воқеа мужоҳидларнинг руҳияти ва ишончига таъсир қилди. Биз бу фожеанинг такорланишидан қўрқдик, чунки мужоҳидлар оз қолганди. Бунаканги кўп йўқотиш, уларнинг руҳиятига ёмон таъсир қилди. Улар қўлидан келганча ҳаракат қилиши, Аллоҳ хайрини берсин, аммо натижа шундай бўлди, биз ҳар қандай ҳолатда ҳам Аллоҳга ҳамд айтамиш.

12-қисм: Якуний сұз

Мусулмонлар ва жохидларга маслаҳатлар

Менимча бу ҳақда сұхбатимизнинг аввалида ҳам айтиб ўтғанман. Жангнинг бошиданоқ биродарлар ўзларининг вазифаларига маъсулиятли ёндашишлари керак. Қачонки сизда жиҳод қилиш ҳис-түйгесі жүшганды жиҳодға келиб, сүнганды қайтиб кетиш ҳолати, оқимга әргашиб: "Агар одамлар борса, унда мен ҳам бораман", деган гаплар бўлмаслиги лозим. Биз ҳар қандай жиҳодда, мақсадлар ва ҳаракатларимизда холис бўлишимиз зарур, мен бу ҳақда кўп айтдим.

Режа тайёрлашда, стратегияда, вазиятни ўрганишда ҳамма нарса ташкиллашган бўлиши, шунингдек ёрдам кўрсатиш билан моддий таъминотни бирлаштириш зарур.

Ёрдамга келган мужоҳидлар одамлар йиғиладиган жойлар, бозорларга чиқмасликлари керак, Аллоҳнинг душманлари бундан фойдаланиб мужоҳидларни кераксиз гап-сўзлар ва муаммолар ботқоғига судрамасин.

Ҳар қандай жиҳодда, биз қаерда бўлишимиздан қатъий назар: Африкада, шарқда ёки ғарбда, содиқлик зарур. Бизда қўлланма (Куръон) бор, агар биз Аллоҳ учун жанг қилаётган бўлсак, холис бўлишимиз, Аллоҳдан шаҳодатни сўрашимиз керак. Ўлим бир марта келади, жон танани бир марта тарқ этади. Шунинг учун биродарлар шаҳодатни холис сўрашлари, Аллоҳдан яхши гумонда бўлишлари, Аллоҳ уларнинг холис Аллоҳ йўлидаги ҳаракатларини қабул қилишига ишонишлари лозим.

Тайёргарлик қилишга келсак – Аллоҳ Қуръоннинг бир нечта жойида айтади:

Агар улар (жиҳодга) чиқиши истаганларида унинг учун тайёргарлик кўриб қўйган бўлур эдилар...(Тавба, 46), шунингдек (Эй мўминлар), улар учун имконингиз борича куч ва эгарланган отларингизни тайёрлаб қўйинглар...(Анфол, 60).

Тайёргарлик мақсадга эришишда катта рол ўйнайди, агар мужоҳидлар жамоати заиф бўлса, сұхбат ва муҳокамаларнинг фойдаси йўқ. Тажрибаси ва тайёргарлиги йўқ одамларнинг йиғилиши, мужоҳидларни заифлаштиради, мақсадга эришишга ёмон таъсир қиласди, шунингдек эътиборсизлик, вазиятни тўғри баҳоламаслик натижасида уларнинг орасида баҳиллик ва эксплуатация бошланади. Яна кўп муаммолар бор, уларни ҳаммага эслатгим келмаяпти.

Кўпчилик, пул билан муҳаббат ва ҳурматга эришиш мумкин деб ўйлайди, аммо аксинча бирор жойга келиб, пулни тартибсиз тарқатиш ва тақсимлаш, одамларда баҳилликни шакллантиради, қарабсизларки одамлар диндорларнинг устидан кула бошлайди. Биз мусулмонларнинг мулкига маъсулиятли ёндашишимиз, жиҳод ерларида эҳтиёт бўлиб, ақл билан иш юритишими керак.

Мужоҳид биродарлар учун бу жуда мухим. Беҳуда сұхбатларга эҳтиёж йўқ. Баъзилар бўлади, келади бир ойдан кейин қайтиб кетади. Биродарлар, Аллоҳга қасамки жиҳод учун вақт ажратсангизлар натижаки бўлади.

Агар жиҳод учун, жиҳодга тайёргарлик учун вақтларингизнинг маълум бир қисмини ажратсангизлар, сизлар маълум бир натижаларга эришасизлар, агар сизлар ҳамма вақтингизни ажратсангиз, шу билан яшасангиз, унда бу сизларга ҳамма нарсани беради. Сиз диний илим олиш учун кўп вақт ажратсангиз ана ўшанда сиз олим бўлишингиз, ўзингиздан бирон нарсани кўрсата олишингиз мумкин. Ўқишига вақтингизнинг бир ёки ярим соатини сарфлассангиз, сиз олим бўла олмайсиз. Аллоҳнинг динига ёрдам беришда ва тайёргарлиқда ҳам шу ҳолат. Биз шариатнинг тикланишини, умматнинг аввалги шарафига келишини истасак, аммо арзимас вақтимизни бунга ажратсак, бунақаси кетмайди.

Пайғамбаримиз саллогоҳу алайҳи вассалламни асҳоблари, Аллоҳ улардан рози бўлсин, Араб Ярим Оролидан дунё бўйлаб тарқалишди, Форс, Византия ва ҳоказо. Улардан фақат 200 тасигина Бақиъ қабристонига дафн қилинган. Улар фатҳ қилинган юртларда ўша ерлик аёлларга уйланишди, шу халқларга қариндош бўлишди, уларга таълим беришди ва шу ерларда вафот этишди.

Саҳобалар шимолий Кавказгача келишган, ҳаттоқи уларнинг 7 таси шу жойга дафн қилинган (улар Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу халифалик даврида Доғистоннинг Дербент шаҳригача келишган, таржимондан). Бизнинг замондошларимиз эса: "Мен бир ёки икки ҳафтага жуда бўлмаса бир ойга бораман, кейин қайтаман", дейишади. Биз Аллоҳнинг динига хизмат қилишда, жиҳодга ёрдам қилишда бутунлай ўзимизни бағишилашимиз керак.

Бирор бир халқнинг тилини билиш ҳам жуда муҳим. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи вассаллам: "Ким бирор халқнинг тилини билса, шу халқнинг макридан омонда бўлади", деганлар. Бу жуда муҳим.

Мен Афғонистондан келганимда, гўёки бўшлиққа тушиб қолгандай эдим, миямга ёмон фикрлар кела бошлади, муаммолар бошланди. Одамлар мужоҳидларни танқид қила бошлашди. Кўп жойларда биродарлар тушкунликка тушишди. Одамлар мужоҳидларнинг устидан кулишиб: "Қани бу мужоҳидлар? Сизлар қандайдир нашавандларни деб оёқ-қўлларингизни йўқотдингизлар", дейишди. Яна кўп гаплар айтилди, биламан ҳамма ҳам шундай демади. Аммо кўп биродарларнинг ўзларидан: "Биз сизларга ёрдам кўрсатдик, энди эса афғонлар бир-бири билан уришаяпти. Биз нашавандларга ёрдам қилибмиз. Бу одамлар сизларни алдашди", деган гапларини эшитдик.

Бу гаплар кўп мужоҳидларнинг руҳиятини синдириди. Баъзи қариялар ғашимиизга тегиб, айтишди: "Афғонистонда ўрнатмоқчи бўлган халифатларинг қани?" Лекин бу биродарларнинг айтган гаплари холисликка тўғри келмади. Улар ёш пайтларида ҳашаматли ҳаётни, уй-жойларини ташлаб келишган. Дунёнинг неъматларини тарқ қилиб, Аллоҳнинг динига хизмат қилишга ўзингизни бағишилагунингизча миянгизга кўп саволлар келади, йўлингизда кўп тўсиқлар бўлади. Аксинча уларни руҳлантириб: "Жазакумуллоҳу хойрон бу сафар бўлмаса, кейинги жангда бўлади, инشا Аллоҳ умматнинг шарафи қайтадиган кун келади. Биз билмаймиз қаерда, қачон бўлишини, лекин аниқ келади", дейишнинг ўрнига мужоҳидларни ҳақоратлаб, танқид қилиниши, уларнинг кайфиятини чўқтириб юборди.

Мен бирга бўлишни истаган энг яхши мужоҳидлар заифлашиб, ғамгин бўлиб қолишиди. Уммат бу одамлардан дунё мусулмонлари лидерлари чиқишини кутганди. Лекин уларнинг кўпчилиги ўзларининг шаънига айтилган бу гаплардан кейин сусайишиди.

У пайтдаги аҳвол ва одамларнинг ҳолати қийин эди. Биз Аллоҳнинг буйруғига итоат қилишимиз керак: «**Эй мўминлар сабр қилингиз ва сабр тоқатда коғирлардан устун бўлингиз, ҳамда доимо кураш (жиҳод) учун белингиз боғлиқ ҳолда, ҳозир бўлиб турингиз! Ва Аллоҳдан кўрқингизким, шояд нажот топсангизлар.**» (Оли-Имрон, 200).

Одамлар Аллоҳга таваккул қилиб, сабр қилишлари керак. Аллоҳга қасамки, уйимиздан кўра бу ерда яхшироқ еб-ичиб яшадик. Алҳамдуиллаҳ, бу ерлик аёлларга уйландик, одамлар бизни ҳурмат қилишиди, қилган ишларимиз учун улар биздан миннатдор бўлишиди.

Буларнинг ҳаммасини холис Аллоҳ учун, Аллоҳнинг динига ёрдам учун қилдик. Сезиб турибмиз, Уммат чуқур уйқудан уйғоняпти.

Аллоҳга қасамки, биродарлар биз Аллоҳга суюнишимиз ва умид қилишимиз керак. Соң жиҳатидан унча кўп бўлмаган ёш биродарлар, озгина қурол билан ҳам исталган ҳарбий дастурни ёки Аллоҳнинг душманларига нисбатан бирор амалиётни амалга ошира олишлари, ислом уммати учун нимадир қила олишлари мумкин.

Мен биродарларга айтаман: Аллоҳга таваккул қилинглар, Ундангина умид қилинглар. Биз Аллоҳга ишонганимиздек, росууллороҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтган, хилофатнинг

ғалабасига ҳам ишонишимиз керак. Шундай қилиб, биродарларнинг қалблари бир, гўёки ҳарсанг тошдай бўлиши керак, улар жоҳил ва ёвуз одамларнинг гапларига, мужоҳидларни калака қилаётганларга эътибор қилмасликлари керак.

Биродарлар, Аллоҳга қасамки, агар мен чечен ерларига келмаганимда, бу ерда бўлган воқеаларга ишонмаган бўлардим. Мен айтишим мумкин эди, "бу ерда бўлаётган ишлар бу Европани талон-тарож қилиш учун Русиянинг маҳфий ўйини" деб. Баъзида юзлаб рус аскарлари ҳарбий карвони маҳаллий жойни ўраб олади, Аллоҳ мужоҳидларга куршовдан чиқиш имкониятини беради. Бу халқ Русиянинг таркибидан чиқишни ўзи истади, улар руслар билан яшаш тугул, уларнинг бетини кўришни ҳам хоҳлашмайди. Кавказ билан Россия ўртасидаги аламли тарих туфайли, нафақат Чеченистонда, балки бутун Кавказда уларни умуман кўришни ҳам исташмайди. Бу халқ қурбонлар беришга тайёр, айнан шу инсондан сабрни ва кўп қурбонликларни талаб қиласди.

"Кавказ" олийгоҳидаги ва машқ майдонларида мөхнатларимиз, нафақат битта ҳалққа балки бутун Кавказ ҳалқларига фойда келтириди. Ҳаттоқи урушдан кейин ҳам бу ерда 30-40 та мөҳмон бўларди, бутун хонага бир ёки икки гуруҳ учун дастурхон ёзиларди. Одамлар ҳар тарафдан келишарди. Бири келиб, бири кетади, учинчиси ҳарбий машқ ўташи керак. Биз фақат кечаси дам олардик. Вазият шундай бўлиб, ҳар биримиз бунга тайёр туришимиз керак эди.

Сиз билан иш юритаётган одамларнинг қилинадиган ишнинг натижаси ҳақида масъулиятни сизнинг елкангизга қўйиши ҳақида бехуда сухбатларини эшитманглар. Аллоҳдан биз қандайдир ишнинг натижаси ҳақида сўралмаймиз, сабабини биз кўрсатган бўлсак ҳам. Ғалаба ва ёрдам буюк Аллоҳнинг қўлида. Биз Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг ҳузурида, нима учун ёрдам қилмаганлигимиз, Аллоҳ раҳм қилишига сабаб бўлувчи қандайдир амални қилмаганлигимиздан сўраламиз, қолган ишлар Аллоҳнинг қўлида. Баъзи одамлар бизнинг кўрсатмаларимиз асосида олган натижалари туфайли, бизни текшириб, анализ қилиб, бизнинг тўғримизда ҳукм қилишади.

Бу нотўри, биз Аллоҳнинг ваъдасига ишонамиз, агар бу жангда натижа бўлмаса, иккинчисида, учинчисида, тўртинчисида ёки бешинчисида натижа бўлади. Ҳар бир жангдан катта тажриба орттирамиз, мен Аллоҳдан бизга вақт беришини сўрайман, аффон, тожик, чечен жиҳодларида ким билан учрашдик, қаерга бордик, нималар бўлди — ҳар бир ўтказилган амалиётни ёзиш ёки бу хусусда дарс уюстириш керак. Агар Аллоҳ жиҳодда беш ёки ўн йил умрни тақдир қилган бўлса, биз Ундан фақат бизга раҳм қилишини, жаннатга яқинлаштириб, жаҳаннам оловидан сақлашини сўраймиз.

Жиҳод майдонларида кўрган билган нарсаларингизни, олийгоҳдаги маъruzаларда ҳам эшитмайсиз. Бугун Аллоҳ умматнинг сонини икки миллиардга етказди, улар энг бадавлат ерлар — ер куррасининг ярмидан кўпини эгаллашган: Покистон, Кавказ, Араб Ярим Ороли, Шимолий Африка ва бошқалар. Стратегик жиҳатдан энг муҳим ерлар мусулмонларнинг худудларида жойлашган. Агар мусулмон дунёси кўзғалса, бутун дунёга кетадиган йўллар ёпилади. Бу миллатга Аллоҳ ақида, Қуръон, охирги пайғамбарни берди. Умматга яна нима керак? Саҳобалар, Аллоҳ у зотлардан рози бўлсин, тобеъинлар ва уларга эргашганлар умматнинг шарафини кўтаришди, биз эса дунёning кетидан қувиб, буларнинг ҳаммасидан ажралдик.

Ҳозир умматнинг касали қаерда? Бугун у нимага муҳтоҷ? Бугун бизда докторлар, инженерлар, тижоратчилар, бизнесменлар бор. Биз мусулмон ёшлари ислом умматидаги бўлаётган ҳодисаларга жавобгармиз. Биз бу жирканч ҳаётнинг матоҳларига эришиш йўлида мусобақа қиласяпмиз, сунъий йўлдошли антенналар, автомобил, маош, уй, хотин. Биз семириб, катта қоринлар қўйдик. Бехуда баҳс-мунозаралар, тортишувлар кенг тарқалди. Дағал, ялангоёқ бадавий бўлган саҳобаларга шуҳрат келтирган амалларни ташладик. Аллоҳга содик бўлиш, тайёргарлик қиласи, мусулмонларга ёрдам кўрсатаётганда холис бўлишиликдан бошқа чора йўқ. Агар Аллоҳ биздаги холисликни кўрса, У бизга албатта яна раҳматини беради.